

ЎЗБЕК

ЎЗБЕК

ЎЗБЕК

ЎЗБЕК



ЎЗБЕК

ЎЗБЕК



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 30-dekabr № 156 (2881) payshanba

Бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолаб эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодий ти- миз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Биз танлаган ва «ўзбек модели» деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб бермоқда. Бу тамойиллар, биринчи навбатда, ҳаётимизни мафқурадан тўла холи қилиш, коммунистик қўлиб ва қарашлардан воз кечиш, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислохотчи ролини ўзига олиши, инқилобий эмас, ақсинча, тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислохотларни «Янги ўй қурмай туриб, эскисини бузмаган» деган принцип асосида изчил ва босқичма- босқич амалга ошириш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби қондалар- ни ўз ичига олади.

Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир.

Қуйидаги масалалар бизнинг энг муҳим устувор йўналишларимизга айлангани даркор:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислохотларни янада чуқурлаштириш, яъни ҳокимияти ташкил қиладиган Президент — давлат бошқари, қонунчилик ва иқро ҳокимияти ўртасида мувозанат ва барқарорликни янада мустақамлаш, суд тизимининг мустақилли- ги ва либераллашуви кучайтириш бўйича ислохотларни давом эттириш;
- ахборот соҳасида фуқаролар ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш;
- демократик қадриятлар ва инсонлар- нинг қонуний мақсадларини ҳимоя қилишнинг, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалда муҳим омилга айланиши зарур бўлган фуқаролик институтларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тuzilmалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ва мустақамлаш;
- фақат кенг миқёсда иқтисодий ислохот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳаммаёнг равишда давом эттириш иқтисодий ти- мизнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини, ҳаётимиз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.



Баркамол авлод йилидан

Кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик йилига



Энг асосий вазифамиз — мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, биз ўз олдимизга қўйган юксак тараққиёт марра- ларига эришиш бўйича Концеп- цияда белгилаб берилган, аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг Комплекс дастури- ни, бошқача айтганда, шу йўналишдаги Стратегияни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этишдан иборатдир. Бу ҳақда гапирар эканмиз, фаолиятимиз негизига қўйила- диган ушбу асосий принциплар- га эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчи. Амалга оширилаёт- ган ислохотларимизнинг мамлакатимизда кучли фуқаро- лик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича биз танлаб олган йўлнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлишини назарда тутган ҳолда, уларнинг узвийли- ги, босқичма-босқичлиги ва изчиллигини, бошқача айтганда, тадрижийлигини сақлаш шарт.

Иккинчи. Концепцияда таклиф этилаётган ислохот йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ экани ва бир-бирини тақозо этишини ўзимиз учун аниқ ва равшан англаб олиши- миз даркор.

Шу маънода, лўнда қилиб айтганда, давлат ва жамият курилишини изчил асосда демократлаштирмасдан, мустақил суд тизимини таъмин- ламасдан туриб, бозор ислохот- ларини амалга ошириш ва иқтисодий ти- либераллашти- ришга эришиб бўлмайди. Бундай талаб сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тизимини ривожланти- риш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, энг муҳими, фуқароларимизнинг сийсий оғли, ижтимоий- иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалала- рига ҳам бирдек дахлдордир. Учинчи. Ислохотларимизнинг маъно-мазмуни ҳар бир оғли фикрлайдиган инсон учун очик ва тушунарли бўлган, улар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг амалий ишига айланган тақдирдагина мамлакатимизни янада ислох этиш ва модерни- зация қилишнинг муваффақия- тини таъминлашимиз мумкин.

Баркамол авлод йилидан

2010 йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлар: Авваламбор, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бу борада, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, 600 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, уларнинг яқини бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Мазъурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга воқога етмаган болаларнинг жиноий муҳпта тортилишининг олдини олиш мақсадида ёшларга мўлжалланган турли хил ҳордик чиқариш муассасалари раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларнинг ўрнатилган нормаларга риоя қилиш бўйича жавобгарлигини кўзга тутиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимчалар киритилди.

«Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»-ги қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шулар қаторида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши албатта катта аҳамият касб этади. «Алкогол ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида»-ги қонуннинг яқин кунларда қабул қилиниши соғлом авлодни шакллантиришда, уларни болалик давридан бошлаб саломатликка пўтур етказадиган зарарли одатлардан ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айтиш керакки, дастур доирасида ишлаб чиқилган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги қонуннинг янги тахрири лойиҳаси ушбу соҳани янада ислоҳ қилиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Биргина «Она ва бола скрининг» Давлат дастури доирасида бошқа вилоятлар марказлари қаторида Гулистон ва Жиззах шаҳарларида янги скрининг марказлари ташкил этилди. Барча минтақавий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материаллар билан таъминланди.

Бу ўз навбатида кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларидаги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган кишлоқ врачлик пунктлари ва ихтисослаштирилган марказларда деярли барча аҳоли тиббий кўрик ва ультравовуш текширувидан ўтказилди. Бундан ташқари, ҳар ойда мунтазам равишда «Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўзида туғруқ ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўриқдан ўтказилганини қайд этиш лозим.

Бу йил шу борада яна бир ибратли тажриба йўлга қўйилди. Яъни, 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамширалари, 8 мингдан зиёд педиатр, неонатолог, акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакасини оширди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиги олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Бунинг натижасида дифтерез, қўзғамик касалликларига чалиниш ҳолатлари кескин камайганини айтиш даркор. 2010 йилда юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингококк инфекцияси 28 фоизга, эпидемик паротит 27 фоиз, вирусли гепатит 13 фоизга камайгани аниқ шундай тадбирлар самарасидир. Полиомиелитга қарши эмлаш миллий кунлари давомида 15 ёшгача бўлган 4 миллион бола эмланди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоиз ва 2008 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни, деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебел ва ўқув анжонлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма — Молия вазирлиги ҳузурда махсус жамғарма ташкил этилди. Бу жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг янги, замонавий ўқув комплексининг барпо этилгани биз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобил саноати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан бўлиб хизмат қилади.

Шу давр мобайнида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди, олий таълим бакалаврият босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди.

Дастур доирасида 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортиқ кишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта кишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган Таълим порталига уланди.

Истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиги кишлоқ жойларда қурилди.

Шу йил ёзда Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар Олимпиядасида спортчи ёшларимиз муносиб қатнашиб, 9 та медални қўлга киритди... Осиё ўйинларида эса Ўзбекистон спортчилари нафақат қўшамиз, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган қудратли давлатларнинг вакиллари билан кескин беллашувларда 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медални қўлга киритди, умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олишга эришди.

Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашига қарашли Митрофанов номидаги сув спорт саройи ҳовлиси кеча янада файзли шукуҳга йўғрилди.

Бу ерга ташриф буюрган касоба уюшма фаоллари, нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд тутган спортчиларни «Олимпиадачилар боғи»-га дарахт ниҳолларини ўтқозиш иштиёқида кўрдик.

— Бугун «Осиё ўйинлари» совриндорлари ўз қўллари билан эккан ниҳолларга ўша спортчиларнинг номи берилди. Масалан: «Осиё ўйинлари голибаси Гўзал Хуббиева дарахти». Бундай тадбир спортчиларимиз-



«Олимпиадачилар боғи»

ни янада руҳлантиради, албатта, — деди Жисмоний тарбия ва спорт жамияти МК масъул ходими Ирина Мартиненко. — Уларнинг ютуғи — бизники ҳамдир. «Осиё ўйинлари»да қўлга киритилган медалларнинг 20 таси касоба уюшмалари спортчилари ҳиссасига тўғри келгани бизни ҳақли равишда фахрлантиради. Галдаги энг асосий вазифамиз — 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX Олимпиада ўйинларида ҳам муносиб қатнашишдир.

Тадбирда Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Элбек Миржўраев ва касоба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти МК раиси Баҳодир Тожиев шундай эзгу ва савобли ишларда фаол иштирок этаётган спортчиларни жорий йилдаги муваффақиятлари билан қутлаб, келгусида янада юксак чўққиларни забт этишларини тилашди.

Шундан сўнг ниҳолларни экиш бошланди. Ўзига хос рамзий марофатга айланган тадбир спортчиларимизнинг нафақат спортда, балки атроф-муҳит ва экология мусаффоли-

гида ҳам фаол эканликларини кўрсатди.

— Гуанчжоудаги муваффақиятларимизнинг бош сабабчиси, бу, авваламбор, бизга яратиб берилган шароитдир. Бунинг учун устоз-мураббийларимизга, қолаверса, бизни қўллаб-қувватлаб турган мухлисларга ўз миннатдорчилигини билдираман, — дейди XVI Осиё ўйинлари олтин медали соҳибаси Светлана Радзивил.

Яхши ният билан экилган ниҳол, албатта, бир кун келиб, ўз мевасини беради. Давлатимизнинг ёшларга қаратаётган эътиборини ҳам айнан ниҳол экишга қиёслаш мумкин. Қарангки, бугун ўша ниҳоллар ҳосил бераёпти — юртимиз шон-шавкати оламга ёйилмоқда, мамлакатимиз ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бормоқда.

Бугун «Олимпиадачилар боғи»га спорт юлдузлари томонидан қадалган ниҳоллар келгуси авлодларимиз учун ҳам ҳавас, ҳам ўрнак вазифасини бажаради.

Акмал ТОШЕВ, Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбирлари

Кичик бизнесга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда соҳани янада ривожлантириш учун берилган қатор имтиёз ва эркинликлар ватанимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Юртимизимиз томонидан кириб келаётган 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани эса тадбиркор ва ишбилармонларни рағбатлантиришда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тизимдаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида 2011 йил «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда модернизация қилиш йили» деб эълон қилиниб, қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шунга кўра, модернизация жараёнини изчил давом эттириш мақсадида мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча

Янги йилда

корхона ва ташкилотларнинг имкониятини аниқ мақсад йўлида сафарбар этиш, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиёти янги, янада юқори босқичга кўтариш ҳамда келаётган йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносибати билан Тошкент вилояти Давлат солиқ идоралари томонидан қатор вазифалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни электрон кўринишда юборишни такомиллаштириш борасида «Солиқ ва молиявий ҳисоботларни мобил телефонлари орқали шакллантириш ва жўнатиш», электрон рақамли имзо калитларини мобил те-

лефонларга ёзиш ва сақлаш юзасидан Дастурий махсус ишлаб чиқиш белгиланганлиги муносибати билан Тошкент вилояти ҳудудий Давлат солиқ инспекцияларига электрон рақамли имзо олиш имконияти мавжуд бўлмаган корхоналарга ҳар бир туман кесимида 30 тагача бўлган кичик бизнес субъекти ёки фермер хўжаликларига электрон рақамли имзо бепул берилиши белгиланди.

Вилоят бўйича электрон рақамли имзо олган ва бугунги кунда ўз солиқ ва молиявий ҳисоботлари ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалари тўғрисидаги ҳисоботларни электрон шаклда топшираётган ҳамда интерактив хизматдан фойдаланаётган корхона

Белгия каштанлари Самарқандда

Самарқандни янада фусункор қилиш, яшиллик оламига буркаш мақсадида Белгиядан уч хил навдаги минг туп каштан, 100 туп бутаси мон қарағай (сосна), 50 туп нашвати, жами 2150 туп дарахт кўчатлари олиб келинди.

Камёб ниҳоллар шаҳарнинг Бўстонсарой, Мирзо Улуғбек, Бөрүний кўчалари, аэропорт, темир йўл вокзали ҳамда Регистон майдонларига ўтказилмоқда.

Нарпай туманида янги йил арафасида 51 та шинам уй қуриб фойдаланишга топширилди. Байрамда уйли бўлишди

Тумандаги «Нарпай Озодабегим» ҳамда «Нурмон қурилиш савдо» ихтисослаштирилган махсус пудрат ташкилотлари қурувчилари ўн бир ой ичида янги қошоналарни барпо этишди. Барча шароитга эга пишиқ гиштдан қурилган ҳовлили уйлар эгаларига манзур бўлди. Келгуси йилда туманда яна 44 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар, 220 ўринли мактаб, қишлоқ врачлик пункти каби қатор ижтимоий соҳа объекти бунёд этилади.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси қурултойи қатнашчилари 20 тупдан кўчат экиш ташаббуси билан чиққан эди.

Озод ватанимизга гўзал боғлар ярашади

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш жараёнида янги боғ-роғлар яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 9 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, 2010 йилда мавжуд майдонлардаги мевазор ва тоқзорларда амалга оширилган таъмирлаш ишлари самарасида 300 минг гектардан кўпроқ янги боғ ва 1 минг 413 гектар узумзор яратилиб, йўл четлари ва пайкаллар атрофига 10 мингдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш халқимизнинг азалий одатларидандир. Мустақиллик йилларида боғдорчиликка эътибор янада кучайди, юртдошларимиз обод ва фаровон ҳаёт барпо этишга ҳисса қўшиш ниятида янги-янги боғлар яратмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг яқинда бўлиб ўтган қурултойи иштирокчилари мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган йилда ҳар бир юртдошимизни камидан 20 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчати экиб, эл-юртимиз фаровонлиги ва ободлигига шахсан ҳисса қўшишга даъват этди.

— Бундан кўзланган мақсад — халқимизга хос эзгу фазилатларни янада юксалтириш, қишлоқ ва шаҳарларимизни, маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдан иборат, — дейди Ўзбекистон Агросаноат мажмуи хо-

Иборатли ташаббус



димлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Шамси Эсонбоев. — Юз киши йигирматадан кўчат экса, 2 минг туп бўлади. Бу — катта боғ демакдир. Энди бу рақамни мингга, миллионга кўпайтирайлик. Бундай ташаббус келгусида аҳолини мева-чева билан таъминлашни янада яхшилашда ҳам кўл келади.

Касаба уюшмалари фаолларининг бу ташаббуси жойларда катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Жумладан, Хоразм вилояти фаолларининг йиғилишида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига ҳар бир оила аъзоси йигирма тупдан кўчат ўтқазиб, парваришлаши тўғрисида мурожаат қабул қилинди.

Барча вилоятларда ўтаётган бундай йиғилиш ва тadbирларда бу борадаги эзгу ишлар обод юртимизга гўзаллик, барака ва тўкинлик олиб келиши таъкидланмоқда. Бу, айти пайтда, экологик маданиятни юксалтиришга ҳам хизмат қилади. Ҳозир вилоят, туман ва маҳаллаларда боғ яратиладиган ҳудудларни аниқлаш, манзарали кўчатларни ариқ ва зовурлар, четига, мевали дарахтларни эса йўл бўйларига, таълим муассасалари ва аҳоли томорқаларига экиш борасидаги тadbирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Айти пайтда касаба уюшмалари фаоллари экилган ҳар бир кўчатнинг бир текис униб ўсиши, барпо этилган гулзор ва боғ-роғларнинг келажақда тўла парвариш қилинишини назорат қилади.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Яратилажак дарахтзорлар қишлоқ-шаҳарларимиздаги яшил ҳудудларнинг янада кенгайиши, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш имконини беради. Аҳолини сархил ва сифатли мевалар билан таъминлашга, озод Ватанимизнинг янада обод ва файзли бўлишига хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

янги режалар билан

ва ташилотлар сони 11954 тани, жўнатилган ҳисоботлар сони эса 69257 тани ташкил этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий Давлат ҳокимият органларининг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юртдошларимизга қатор имкониятлар тақдим этади. Аввало, солиқ тўловчилар интерактив хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳудудий Давлат солиқ инспекцияларига ташриф буюрмасдан солиқ ва молиявий ҳисоб-

ботларини электрон шаклда топширишлари мумкин. Ушбу ҳолатда электрон шаклда жўнатилган ҳисоботлар қоғоз шаклида солиқ идораларига олиб келинишига зарурат қолмайди. Бундан ташқари, солиқ тўловчининг сўровига кўра, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғарма билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотлар ва назорат органларининг тегишли давр учун хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадвалидан кўчирмалар олиш имкони мавжуд. Шунингдек, солиқ тўловчилардан рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларни қабул қилиш ва шахсий тартиб рақамларини бериш ҳамда солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш маълумотларини ўзгартириш, солиқ со-

лиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ахборотлар олиш, электрон солиқ ҳисоботини қабул қилиш ва қайта ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатиш ва электрон солиқ декларацияларини қабул қилиш ҳамда уларни умумлаштириш имкониятларига эга бўлишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, солиқ органлари ўз олдига янги мақсадларни қўйган ҳолда янги йилни янги марралар сари жадал ҳаракатланиш билан бошламоқда десак, янглишмаган бўламиз.

Фарҳод МИРСОАТОВ,
Тошкент вилояти
Давлат солиқ
бошқармаси «Камерал
назорат» бўлими
инспектори

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилига

2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди...
Нотурар-жой биноларини реконструкция қилиш ва уй-жой харид қилиш учун ҳомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди. Шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

«Баркамол авлод йили» дастурини бажариш учун барча маҳаллар ҳисобидан жорий йилда қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланганининг ўзи бу борада амалга оширган ишларимизнинг кўламини ва миқдосини нечоғлик улкан эканидан далolat беради.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқинга кўтариш мақсадида мен кириб келаятган 2011 йилни мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» деб эълон қилишни таклиф этаман.

Мамлакатимизнинг қўлқудали иқтисодий таркибиде давлат мулк, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди ва унинг ишонли конституциявий кафолатлари таъминланди. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ўзининг иқтисодий ҳиссадаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожиде алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодийимизнинг келажакни таъминлай олмаймиз. Ички бозоримизни рағбатдор ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиршида, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлиши аҳолимизни, аввало, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошириш борисида эришишда айти шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз. Янги ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўл манфаатдордир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Маълумки, кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳа ривожини кўлай тadbиркорлик муҳити яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинди. Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизини кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бир даврда, яъни 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга этиши кутиляётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимизнинг натижасидир.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик одамларимиз учун янги иш ўринлари очиб, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилга айланаётганига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далolat беради.

Жорий 2010 йилнинг ўзиде кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни очилгани ҳам юқориде зикр этилган фикрнинг яққол тасдиғи, десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан. Энг муҳими, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларимизда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга оладиган бўлса, бу рақамларнинг ижтимоий аҳамиятини, уйлайманки, тушуниш қийин эмас.

«Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур: Биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани таниқдий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор. Бу ҳақда гапирганда, шунини айтиш керакки, жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очилига интиляётган хусусий тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман гов-тўсиқлар қўйилаятганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Шулар қаторида қўлгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, таъмағирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди. Қонунга эид бўлган бундай ҳуқуқ ҳолатлар билан мурося қилишга чек қўйилишининг вақти келди.

Охириги йилларда тadbиркорлик соҳасида ўз ишини очилиш учун руҳсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилиляпти. Буни рад этиб бўлмайди, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмас. Айти пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун руҳсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назорат олиш даркор.

Сўнги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга тушириш ёки қарийб 2 баробар камайитириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ривожини катта имкониятлар туғдирмоқда. Шу борада кириб келаятган 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тadbиркорларга қўрилган янги бир имтиёз бўлиб қолажак, деб уйлайман.

Кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технология янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатта мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур.

Саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, мўқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.

Президент Ислон Каримовнинг Конституция-мизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси асосида тайёрланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши спортчилари турли халқаро турнирлар, нуфузли спорт анжуманларида юксак марраларни забт этиб, юртимизга улкан зафарлар тақдим этаётганликлари барчамизда фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда. Юртимиз нуфузига нуфуз қўшаётган, шон-шуҳратини оламга таратаётган, бир сўз билан айтганда, жаҳон спорт аренасида ўз ўрни ва сўзига эга бўлган бир гуруҳ етакчи спортчиларимизнинг Янги — кириб келаётган 2011 йил тилакларини сизга илинишни лозим топдик.

Дилшод МАНСУРОВ,
Эркин кураш бўйича
Гуанчжоуда ўтказилган
XVI Осиё ўйинларининг
олтин медали совриндори,
халқаро турнирлар
ғолиби



Мақсадим XXX ёзги олимпиадада қатнашиш

— Хитойда ташкил этилган XVI Осиё ўйинлари аввалгиларига қараганда спортчиларнинг жиддий тайёргарлик кўрганликлари билан ёдда қоладиган бўлди. Шундай бўлса-да, билдирилган ишонччи оқладик. Шу боис қувончимнинг чеки йўқ. 2012 йилда Лондонда уюштирилаётган XXX ёзги олимпиада баҳсларига ҳам тобора кам вақт қолмоқда. Яна бир ярим йилдан сўнг, Олимпиада ўйинларига старт берилади. Шу вақт мобайнида бир нечта халқаро турнирлар ва Лондонга йўлланма берувчи мусобақалар бўлиб ўтади. Мақсадим, ана шу нуфузли тадбирларда муваффақиятли қатнашиш ва Лондон сари йўл олиш.

Ринат ТАРЗУМАНОВ,
Енгил атлетика (найза улоқтириш) бўйича
XVI Осиё ўйинлари
бронза медали совриндори




— Гуанчжоу мен учун яна бир синов мактаби бўлди, де-

Юртни шарафлаш — катта бахт

сам янглишмаган бўламан. Ҳатто олган жароҳатим галабага бўлган ишончимни сўндиролмади. Оғриқ азобларини унутиб, бор кучимни ишга солдим. Натижа ёмон бўлмади. Бронза медалига сазовор бўлдим. Бу эса мени ҳар қандай синовларга тайёр туришга, янги-янги довлонларни зафарли одимлар билан босиб ўтишга ундади. Келажақда зафарли одимларимни давом эттиришга ҳаракат қиламан. Истайманки, кириб келаётган Янги йил барча юртдошларимга бахт-саодат олиб келсин.

Биз спортчиларга ҳам янги-янги мусобақаларда галаба нашидасини суриб, Юрт байрогини жаҳон ареналарида баланд кўтариш насиб этсин...

Вадим МЕНЬКОВ,
Байдарка ва каноэда эштак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони,
халқаро турнирлар совриндори,
Гуанчжоуда бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинлари олтин медали соҳиби



Ишонч ва ирода уйғунлиги

— Ўзбекистонда спортга берилаётган эътибор ўз самарасини бераётганидан хурсандман. Бунинг учун фақат олдинга қараб интилиш лозим. Имкониятингиз етарли, барча шароитлар муҳайё бўлса, биз ёшларга яна нима керак?!
2011 йилда олдимизда бир қатор нуфузли спорт тадбирлари турибди. Насиб этса, мазкур мусобақаларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишни ният қилганман.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, инсон ўзига ишониб, куч-иродасини чиниқтириб борса, албатта, ўз мақсадига эришади. Бунинг учун фақат олдинга қараб интилиш лозим. Имкониятингиз етарли, барча шароитлар муҳайё бўлса, биз ёшларга яна нима керак?!
2011 йилда олдимизда бир қатор нуфузли спорт тадбирлари турибди. Насиб этса, мазкур мусобақаларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишни ният қилганман.

Янги йил барча юртдошларимизга кутлуг келсин, барча ҳамкасбларимизга омад ва бахт ёр бўлсин.

Юртимиз ифтихорлари

Светлана РАДЗИВИЛ,
Енгил атлетика бўйича XVI Осиё ўйинларининг олтин медали соҳибаси,
халқаро турнирлар совриндори



195 сантиметрлик натижа

— Бежизга енгил атлетикага «спорт маликаси» дея таъриф қўлланилмайди. Айниқса, мухлислар қисқа масофаларга югуриш, узунлик ва баландликка сакраш турларини завқ-шавққа тўлиб, ҳаяжон билан кузатишади. Шу боис ҳам ушбу спорт турини танлаганман ва бундан бахтиёрман.
Бундан бир неча йил муқаддам айнан Хитойда бўлиб ўтган турнирда юксак натижага эришган эдим. Эндиликда яна Хитойда Осиё ўйинларига иштирок этиш насиб этди. Албатта, бошқа давлатларнинг спортчилари ҳам юксак натижаларни кўзлаб, яхши тайёргарлик кўриб келишган. Шунга қарамай, бор кучим билан ҳаракат қилдим. Ниҳоят, 195 см. баландликни забт этиб, олтин медал соҳибасига айландим.

Ҳаракат ва интилишларим зое кетмаганидан, муносиб натижаларга эришиб юрт шавқига ҳиссам қўшилганидан мамнунман.

Истайманки, Янги йил янги муваффақиятлар йили бўлсин. Спортчиларимиз олдинда турган нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, халқимиз куч-қудрати нималарга қодирлигини намойён этаверсин.

Руслан НАУРЗАЛИЕВ
ва Вячеслав ДИДРИХ,
Академик эштак эшиш бўйича (жуфтлик баҳсларида) XVI Осиё ўйинлари кумуш медали совриндорлари



Лондон сари йўл

— Сув спорт турлари мамлакатимизда жадаллик билан ривожланиб бораётир. Ҳатто океан ва денгизлар қуршовидаги давлатлар ҳам бизга ҳавас қилаётгани бежиз эмас. Ишоти XVI Осиё ўйинларида шундоқ кўзга ташланди. Байдарка ва каноэда эштак эшиш бўйича аввалига Вадим Менков (яккалик), сўнгра Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков (жуфтлик баҳсларида) ҳамда Алексей Мочалов, Сергей Борзов, Алексей Бобононов ва Вячеслав Горн (тўртлик) олтин медал соҳибларига айланишди.

Бу ютуқлар бизга ишонч бағишлади. Натижада, академик эштак эшиш баҳсларида кумуш медал совриндорига айландик. Албатта, бу юқори кўрсаткич эмас, аммо у кейинги баҳсларга биз учун катта мактаб вазифасини ўтади.

Янги йилни зўр чиниқиб ва тайёргарликлар билан кутиб олишга ҳаракат қиламиз. Чунки йилни қандай кайфиятда бошласанг, шундай якунлайсан, дейишади.

2011 йил барчамиз учун омадли келсин.

Луиза ГАЛИУЛИНА,
Спорт гимнастикаси бўйича (жамоавий баҳсларда) XVI Осиё ўйинлари бронза медали соҳибаси,
халқаро турнирлар ғолибаси



Ўзбекистоннинг ўзига хос мактаби мавжуд

— Хабарингиз бор, Гуанчжоуда уюштирилган навбатдаги Осиё ўйинларида жаҳоннинг спорт гимнастикаси ривожланган мамлакатлар — Хитой ва Япония давлатларидан сўнг шохсупанинг учинчи поғонасини банд этдик. Бу эса Ўзбекистонда спортнинг, хусусан, спорт гимнастикасининг ўзига хос мактаби яратилганининг яққол намунаси. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, башқа соҳаларда бўлгани каби спортга ҳам давлат сиёсати даражасида эътибор қаратила бошланди. Бу ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, спортчиларимиз ҳам турли халқаро турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этиб, Ўзбекистон спортчиларининг нималарга қодирлигини амалда намойён этишмоқда. Бунинг учун фақат олдинга қараб интилиш лозим. Имкониятингиз етарли, барча шароитлар муҳайё бўлса, биз ёшларга яна нима керак?!
2011 йилда олдимизда бир қатор нуфузли спорт тадбирлари турибди. Насиб этса, мазкур мусобақаларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишни ният қилганман.

Янги йил барча юртдошларимизга кутлуг келсин, барча ҳамкасбларимизга омад ва бахт ёр бўлсин.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизнинг барча спортчилари, спорт мураббийлари ва халқимизни кириб келаётган янги — 2011 йил билан кутлайман. Янги йил янги марралар ва янги зафарлар келтирсин.

Герасим КОЧНЕВ ва Серик МИРБЕКОВ,
Каноэда эштак эшиш бўйича (жуфтлик баҳсларида) XVI Осиё ўйинларининг олтин медали совриндорлари



Сўзимизнинг устидан чиқдик

— Хитойда ташкил этилган навбатдаги Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этишди. Жуфтлик баҳсларида курашга киришганимизда олдинга ҳаммаси яхши кечаётгандек туюлса-да, кейинчалик бизни таъқиб этиб келаётган мезбон спортчилар сўнгги сонияларда биздан ўзиб кетишига оз қолди. Шунга қарамадан, ғолиблик бизга насиб этди. Биз бундан хурсандимиз.

2011 йил мусобақаларга бой бўлиши кутилмоқда. Масалан, 2012 йили Лондонда бўлиб ўтаётган XXX ёзги Олимпиада баҳсларида йўлланма берувчи бир нечта нуфузли мусобақалар турибди. Юртдошларимизни янги зафарлар билан хушнуд этамиз, деган умиддамиз. Кириб келаётган Янги — 2011 йилда барчанинг ҳаёти хушбарларга бой бўлсин.

Гўзал ХУББИЕВА,
Енгил атлетика бўйича
2006 йилда Дохада бўлиб ўтган XV Осиё ўйинлари ғолиби ва 2010 йилда Гуанчжоуда ташкил этилган XVI Осиё ўйинлари кумуш (100 метр) ҳамда бронза (200 метр) медаллари соҳибаси



Эътибор ва ғамхўрлик

— Ўзбекистондек жаннатмакон юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Спорт мусобақалари сабаб дунёнинг кўп давлатларида бўлдим. Лекин спортчиларга юртимиздагича юксак эътибор ва ғамхўрликни бошқа жойда кўрмадим. Фарзандларининг камолини ўйлаган, халқ фаровонлиги йўлида изчил илоҳотларни амалга ошираётган мамлакатда, албатта, улкан ўзгаришларга муносиб бўлмасликнинг асло иложи йўқ.

Ўзбекистон спортида янги истеъдодлар кашф этилаверсин. Янги йил барчага муваффақ бўлсин.

«Ishonch» мухбирлари
Нарзулла МАХАМОВ ҳамда
Акмал ТОШЕВ тайёрлади

Муқаддас ватанда азиздир инсон



Инсон вақти-вақти билан бир зумга тўхтаб, босиб ўтилган йўлга назар солади ва хулосалар чиқарган ҳолда истиқболга режалаштирилган юмушларга жазм этади. Янги йил бўсағасида бу, айниқса, муҳим.

Бугунги кунда таълим ва фан ходимлари Қашқадарё вилоят кенгаши тасарруфида 14 та шаҳар, туман, битта вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган, олий ўқув юртларида эса учта касаба уюшма кўмитаси мавжуд. 1606 та бошланғич ташкилотларда 193 минг 680 нафар касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ўз мужассамини топган. 2010 йилда касаба уюшма аъзоларининг барчаси тўлиқ аъзолик билетлари билан таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, бошланғич ташкилотлар жамоа шартномасини тузиш, яқка меҳнат низолари, таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат ҳуқуқи, қонун ҳужжатларида педагог-ҳодимларга берилган имтиёз ва кафолатлар юзасидан услубий қўлланма, тавсия ва йўриқномалар ҳамда ҳуқуқий адабиёт, кодекс ва қонун тўпламлари билан таъминлаб бораётгани ўз самарасини бераётир.

Ҳисобот-сайлов даври биз учун чинакамга синов бўлди. Авваламбор, касаба уюшма кадрлари таркибини чуқур таҳлил қилиб, тизимга ёш, ғайратли, соҳа муаммоларини чуқур биладиган ходимларни, айниқса, хотин-қизларни кўпроқ жалб этишга эътибор берилди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган кам таъминланган, жамоатчи, иқтидорли талаба-ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифаларимиздан. 2010 йилда вилоят бўйича 20 нафар талаба-ўқувчи ёшлар устама стипендияга сазовор бўлди. Шунингдек, вилоят кенгаши томонидан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган педагог-ҳодимлар фарзандлари учун ўқув йили якунида бир маротаба бериладиган стипендия жорий этилди ва у 2009-2010 ўқув йилида 50 нафар ўқувчига тарқатилди.

Таълим муассасаларида меҳнат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 539 нафар фарзандига касаба уюшма кўмиталари томонидан ўқув қуроллари олиб берилди. Бунга 15 миллион 900 минг сўм сарфланди. Баркамол авлод йилида педагог-ҳодимларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурга асосан 1577 нафар кишига тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан 33 миллион 780 минг, маъмурият томонидан 75 миллион 500 минг сўмлик турли хил ёрдам берилди.

Марказий кенгаш раёсати қарорига асосан икки йилда бир маротаба ўтказиб келинаётган меҳнат муҳофазасининг жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш бўйича республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилаётгани боис содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар сони сезиларли даражада камайди.

2010 йилнинг ҳозирги кунига қадар 453 та санаторий йўлланмаси касаба уюшма аъзоларига олиб берилди.

Мустақиллик байрами арафасида халқ таълими ходимларининг анъанавий спартакиадасини ўтказиш оdatимиз бор. Шунингдек, ҳар икки йилда бир маротаба ўтадиган ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимлари ва олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг спартакиадаси ҳам спортнинг оммавийлашишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Ижодкор, ўз касбининг устаси бўлган педагогларни саралаш учун вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Йил мактаби», «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловлари янги-янги кашфиётларга омил бўлаётир. Хусусан, 2010 йилда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови вилоят босқичида шаҳар ва туманлардан жами 62 нафар ўқитувчи иштирок этди.

Вилоят мусиқали драма театрида тармоқ бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида ўтган «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалида икки юздан зиёд санъатсевар ходим ўзининг қанчалар нозиктаъб эканлигини исботлади. Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўтказилган вилоят босқичида учта йўналиш бўйича таълим ва фан ходимлари голибликни қўлга киритиб, Республика босқичига йўлланма олганлиги ҳам бизни янги ташаббусларга ундайди.

Булар, ўйлайманки, муштарийлар учун аллақачон таниш. Боиси, бу тадбирлар севимли нашримиз «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида ўз ифодасини топиб улгурган. Айнан шунга кўра, 2011 йил учун ҳам севимли газеталаримизга йиллик обуна ушқоқлик билан амалга оширилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқи, эзгу ишларда ҳамдам бўлаётган барча ҳамкасбларимиз қатори севимли тахририятимиз ходимларини ҳам кириб келган Янги йил билан самимий қутлайман.

Шодмон КУБАЕВ,
Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, янгиланишларнинг асосидир. Зеро, мамлакат ривожини баркамол авлодни тарбиялаш, камолга етказиш учун яратилган шарт-шароитлар билан беvosита боғлиқ.



Баркамол авлод — келажак пойдевори

Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш, мактабларда ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг асосий вазифаларидан бири сифатида ўзининг амалий ифодасини топди.

Президентимизнинг «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, жамиятнинг маънавий-маърифий юксалишида касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этмоқда. Бу борада «Энг намунали маънавий-маърифий ишларни ташкил этаётган халқ таълими бўлими», «Энг намунали маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари», «Йилнинг энг яхши фан методисти», «Энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Энг намунали синф раҳбари», «Энг намунали мактабдан ташқари таълим муассасаси тўғралик раҳбари» кўрик-танловларининг ташкил этилганлиги катта аҳамият касб этаётир. «Маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг Республика босқичида вилоят мактабдан ташқари муассасалар маркази директори А.Солиевнинг биринчи ва Кува тумани халқ таълими бўлими маънавий-маърифий ишлар бўйича услубчиси Х.Абидовнинг учинчи ўринни эгаллагани ҳам соҳада эришилган муваффақиятларга мисол бўла олади.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарarli иллатларга қарши курашиш мақсадида коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Тўрт карра йўқ» спорт мусобақалари каби куни кеча Фарғона политехника институтида ташкил этилган «Баркамол авлод — келажак пойдевори» мавзусидаги тантанали тадбир ҳам барчада илиқ таассурот қолдирди.

Тадбир аввалида «Хушёрлик, огоҳлик — давр талаби» мавзусида коллеж ўқувчилари иштирокида бадиий композиция намойиш этилди. Ўқувчи-ёшлар Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга садоқат, ўзликни англаш нақадар буюк саодат эканлигини улуғлаш билан бирга, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби иллатларга қарши курашда ҳаммиша хушёр ва огоҳ бўлиш зарурлиги ҳақида мужассам фикр юритдилар.

Шунингдек, иқтидорли, жамоатчи аспирант ва талаба-ўқувчиларга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва вилоят кенгаши томонидан таъсис этилган махсус устама стипендия гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Фаолиятимизни янада жонлантириш ва кенг оммага етказишда матбуот билан ҳамкорлигимиз ижобий самара бермоқда. Ана шу мақсадда Фарғона маорифчилари севимли нашримиз — «Ishonch» газетасига 2011 йил учун 1025 нусхада обуна бўлиб, аввалги йиллардаги сингари унинг фаол ўқувчиларига айланишди.

Эзгулик ҳаммиша ҳамроҳимиз бўлсин. Ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, XXI аср талабларига жавоб берадиган инсонлар этиб вояга етказишдек эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилаётган барча ўқитувчи ва мураббийларни Янги йил билан табриклаб, уларга сихат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Собирхон САИДХҲҲАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси

Тахририятдан:

Биз ҳам энг фаол обуначиларимиздан бўлган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти ва Фарғона вилояти кенгаши вакилларини Янги йил байрами билан табриклаб, соҳа заҳматкашларига сихат-саломатлик, эзгу ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Иш вақти тугашига ўн беш дақиқа қолганида Райхон одатдагидай компютерни очиб, ўзининг почтасига кирди.

Катта-катта харфлар билан: «Антарктидадан алангали салом!» деган ёзувга кўзи тушиб, хурсанд бўлиб кетди.

«Ишлар қалай, азизам?»

Райхон бир зум иккиланиб турди-да, сўнг шоша-пиша жавоб ёзди:

«Хар доимгидай».

«Эртага янги йил. Сиз ҳалиям ишдамисиз?»

«Хизматчилик. Ўзингиз яхши юрибсизми? Антарктидада нима гаплар?»

«Ишларим жойида. Антарктида ҳам жойида. Фақат сиз негадир мактубларимга жавоб ёзмай қўйдингиз...»

«Ишларим кўпайиб кетди. Янги йил олдида биласиз-у...»

«Дарвоқе, янги йил оқшоми сизниқига Қорбобо ташриф буюрмоқчи бўлаётганмишми?»

«Қорбобо?!»

«Ҳа. Қорбобо болаларга совға, катталарга бахт улашармиш...»

«Ўзим беҳабарман-у бу гапдан сиз қандай хабар топдингиз? Ёки Қорбобо билан гаплашдингизми?»

«Қорбобо билан гаплашдим. У бу йилги янги йилни сизниқига кутиб олмақчи эмиш.

Нима дейсиз? Қарши эмасмисиз?»

«Бу гапга мени ишонтиролмадингиз. Чунки ҳақиқий Қорбобо фақат эртақларда бўлади.»

«Афсона ҳақиқатга айланишига ишонмайсизми?»

«Ишонмайман!»

Райхон бирдан асабийлашиб, яна тунов кунгидай туйқусдан компютерни ўчириб қўйди. Сўхбат узилиб қолди.

Райхон кимгадир жаҳл қилгандай тарс-турс юрганча нарсаларини йиғиштирди-да, ҳамхоналари билан наридан-бери хайрлашиб, ёв қувгандай ташқарига отилди.

Тоза ҳавога чиққанидан кейин сал ўзига келди.

«Нега бундай қилдим? — йўлади у энди ўзидан хафа бўлиб. — Менга нима бўлди? Сал насага аччиғим чиқиб кетадиган бўлиб қолдим?»

Автобус бекатига бир неча қадам қолганида, унга бола кўтарган лўли хотин дуч келди.

— Ҳой чиройлик, шошма, санга бир хушхабар...

— Э, бор-е!

Аммо лўли хотин ҳам бўш келмади.

— Манга пул бермасанг ҳам майли, лекин хушхабарни эшитиб кет.

— Ҳўш? — истар-истамай лўли хотинга юзланди Райхон.

— Янги йил санга бахт олиб келади, синглим... Бахт...

Райхон лўли хотиннинг сўзини охиригача эшитишга сабри чидамай, бекат томон югуриб кетди.

У афсоналарга ҳам, лўли хотинларнинг башоратларига ҳам ишонмай қўйган...

Ярим соатлардан кейин манзилга етиб, автобусдан тушаркан, кимдир ортидан кузатиб келаётгандай туюлди. Юраги шилжиллаб кетди: бугун ишхонадан маош олганди. Яна, Худо кўрсатмасин...

Умуман, бу биринчи марта эмасди. Кейинги вақтларда жувон кимдир ўзини пинхона таъкиб қилаётганини ҳис этгандай бўларди. Бунақа маҳаллари у кескин ортига ўгириллар, аммо ҳеч кимни кўрмай, гарангсиз қоларди.

Райхон сумкасини қаттиқ сиқимлади. Лекин бояги туйғу уни

тарк этмади. Барибир, ортига ўтирилиб қарамади. Ён-веридан ўтаётган кишиларни қора қулиб келаверди, келаверди... охири бўлмади, асаблари дош бермади, шарт бурилди-да, йўл четигаги дўкончага кириб кетди.

Беш-ўн дақиқа чамаси унибуни кўрган бўлиб дўкон ичида айланишди, ташқарига қаради, шу чоғ ойна рўпарасида турган аллақандай эркакнинг қорасига кўзи тушиб, сал ўпкасини босволди.

— Ассалому алайкум, — деди у шошиб.

Ҳалиги киши бош ирғаб алик олди, кейин негадир дарров тес-

Бундан саккиз ой муқаддам Райхон электрон почтасига номаълум кишилардан танишиш ҳақида келган таклифларни ўчириб ташлаётиб, қутилмаганда бир мактубга қизиқиб қолди. Тўғрироғи, мактуб эгасининг манзилига. Зеро хат «Антарктидадан алангали салом!» деб бошланганди. Райхоннинг назарида, Антарктида деганлари ҳамма томони одам бўйи қор ва шунинг учун ҳам фақат оқ айиқлар яшайдиган макон эди. Шундай жойдан ўзбек тилида хат келиб турса-я! Райхон беихтиёр «Танишайлик» деган таклифга ўз розилигини билдириб, жавоб жўнатди. Шу-шу улар ўзаро хат ёзишиб туришади. Аммо... Ўзималардаги муносабатлари аллақачон илиқлашган бўлса-да, йиғитнинг унга: «Азизам» деб мурожаат қилиши хуш ёкарди. Жувоннинг негадир бу ишга жиддий қарагиси келмасди. Муҳаббат

ҳақида лом-мим демасди. «Мен жуда яхши яшайман. Мендан ташвишланманглар, худо хоҳласа ҳадемай фарзандлик ҳам бўлиб қоламиз», дерди ҳар доим ота-онасига. Бечора чол-кампир кўп йиллар тирноққа зор бўлиб, қирқдан ошганларида кўрган ёлғиз қизлари Райхонни еру кўкка ишонишмас, унинг гапи улар учун қонун эди.

Беш йил муқаддам аввал отаси, кейин онаси вафот этди. Шундан кейин кўп ўтмай, Райхон ҳам эри билан ажрашди. Сабр-тоқат қилишига унинг ортиқ бардоши қолмаганди...

«Ойи, қачон қарасангиз, у маст-аласт юрарди, — эрининг устидан фақат хаёлан онасига шикоят қиларди Райхон. — Шунчалик ҳам пешонаман шўр бўладими, а? Нега тугмайсан, деб урганлари-чи! Худди ҳаммаси менин кўлимда-ю, атай орқага сураётгандай. Ичишга пули қолма-

— Ассалому алайкум, — деди Қорбобо йўғон овозда. Унинг кўзлари қулиб турарди.

— Вой... Қорбобо!

Райхон қўлларини кўксига қовуштирганча ҳайрат билан Қорбобого юзланди. Бояги дилхиралиги олов теккан шамдай бир зумда эриб кетди.

— Қутмаганмидингиз? — Қорбобо ўзини қувноқ кўрсатди, лекин овози титраб кетди негадир.

— Йўқ... нега энди... Янги йилда ҳамма Қорбобо билан Қорқизни кутади-ю... Ичкарига киринг, марҳамат...

Райхон ўзини четга тортиб, йўл берди.

— Афсуски, Қорқизим йўқ, хафа бўлмайсиз, — деди Қорбобо остона ҳатларкан.

— Бизда эса... болалар йўқ... Қанча совғангиз бўлса, менга бера қоласиз-да.

— Биз совғани болаларга берамиз, катталарга эса...

— Катталарга бахт улашасиз, шундайми? — гапининг давомини илиб кетди жувон.

— Ҳа.

Жувон сесканиб тушди.

— Наҳотки бу... — Райхон қопини орқалаганча эшик олдида туриб қолган Қорбобога юзланди.

— Ҳа, — деди Қорбобо яна бир марта.

Райхон лабларини қимтиганча Қорбобого синчиклаб тикиларкан... беихтиёр:

— Алишер ака! Бу сизми? — деб юборди ҳайрат билан.

— Ҳа, — деди Қорбобо яна. Кейин қопини ерга қўйиб, қаддини ростларкан, жувонга айбсингандай назар ташлади. Бир зумдан кейин: — Бошқа... иложим йўқ эди, — деди секингина.

Райхон кафтини юзига босганча меҳмонхонага кириб кетаркан... эшикни зарда билан ёпди.

Қорбобо остонада туриб қолди. У нима қилишни билмасди.

— Нега?.. Нега шу вақтгача ўзингизни танитмадингиз?.. — дея йиғламсирагани эшитилди жувоннинг меҳмонхонадан.

— Айтдим-ку... бошқа иложини тополмадим деб.

— Антарктидани ўйлаб топишга бало бормиди?! Яна исмингизни ўзгартириб...

— Ахир... Антарктидада яшаётган бўлмасам, сизга аллақачон эътибор беришим керак эди-да. Нега йиллардан буён ёнма-ён яшаймиз-у... Мен бўлсам... худди кўзойнагини йўқотган шапқурдай аллақарларда улоқиб юрибман...

Иккаласи ҳам жим қолишди.

Ташқарида байрам тантаналари авж ола бошлади.

— Совғани нима қилай? — деди Қорбобо ниҳоят.

— Қанақа совға? — овоз келди ичкаридан.

— Бахтни...

Яна жимлик. Қорбобо безовталана бошлади.

Томоқ кирди. Қопини қўлига олди ҳамки...

Хамон сукунат, сукунат, сукунат ҳук сурарди.

— Энди... энди бош кўтармай иқиб кетиш қолди... — шивирлади Қорбобо.

Ва аста бурилиб, эшик тупқини ушлади.

Шу вақт...

— Катманг... — деган овоз эшитилди меҳмонхонадан.

Кейин меҳмонхона эшиги очилди ва жувон... бахтга, узок қутилган бахтга пешвоз чиқди...

Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

Ёнингдаги бахт

қари қаради. Назарида бу киши Райхонга диққат билан қараб тургандай туюлди. «Балки ортимдан кузатиб юрган киши шу эмасмикин? — беҳосдан миясига урилган саволдан жувон гангиб, бир зум юришдан тўхтади, лекин ўгирилиб қарашга юраги дов бермади. — Тавба, шу одамга ҳеч туншунмайман, — деб ўйлади у зиналардан бир-бир босиб тепага кўтариларкан. — Нега йиллардан буён кўшимиз-у, ҳеч кимга қўшилмайди, кирди-чиқди қилмайди. Ҳамма унинг уйланиб, ажрашганини ва исмини биллади холос: Алишер ака... Лекин мен унинг ёшгина, чиройли хотини билан шу домга кўчиб келганларида кўрганман биринчи марта. У вақтларда талаба эдим шекилли. Кўп ўтмай, хотини кетиб қопти деб эшитдим...»

Райхон яна бир нарсани ўйла-масликка ўзини ўзи мажбур этди: анчадан буён подьездда, уй ёнидами дуч келиб қолган маҳаллари Алишер унга аллақандай тортинқоқлик ва айни вақтда диққат билан қараб қолар, Райхон бўлса дарҳол кўзларини олиб қочар ва бепарво йўлида давом этарди.

Ўзини бундан ортиқ тутиши ҳам мумкин эмасди-да. Ахир улар ёнма-ён қўшни бўлсалар-да, Райхон бу индамас одамни яхши билмасди...

Уйга кириб бир оз нафасини ростлаб олгач, аста кўчага қараган дераза олдига келди, чироқ ёқилмаган, ташқарини бемалол кўриш мумкин. Ахир ҳалиги изидан тушган кимса эшик олдигача келдимикин ёки қайтиб кетдимикин, шуни билиши керак-ку.

Йўқ, ташқарида нотаниш кимса кўринмади. Лекин Алишер ака деганлари ҳали ҳам подьезд олдида турибди.

Райхон унинг аввал ердаги соясини кўрди, кейин ўзини.

Алишер ака ҳамон орқа ўгириб турарди.

Хотиржам тортиган жувон энди юрагини ваҳимага солган аллақандай ўғри-киссавур ҳақидаги ўйларни ўзидан нари қувиб, қўшниси ҳақида хаёлга толди.

«Қизиқ... деб қўйди жувон. — Бип-бинойидай одам бўлса, нега бошқа уйланмади экан-а?»

унчун ўзини фидо қилишга тайёр, олижаноб рицарлар фақат афсоналарда бўлади, деб ўйларди у. Шунинг учун ҳам йиғит — дарвоқе, унинг исми Жавлон, ўзи-



нинг айтишича, ўн йил илгари ишлаш учун бориб, Антарктидада қолиб кетган экан, — кейинги вақтларда ёзган хатларида шахсий ҳаётга доир қилган имо-ишораларида уни аҳмоқ қилаётгандай туюлганидан жувоннинг жаҳли чиқадиган бўлиб қолди.

«Қорбобо деганда кимни назарда тутганини жуда яхши англаб турибман, — хонада у ёқдан бу ёққа юрганча овоз чиқариб ўзи билан гаплашаётганини сезмади жувон. — Қорбобо ташриф буюрармиш! Намунча китобий тилда гапиради булар?! Хўп, Қорбобо келди ҳам дейлик. Келиб кўлимни сўради ҳам дейлик. Хўш, кейин-чи? Кейин нима бўлади? Мен у билан ҳеч қачон Антарктидага кетмайман, дунёдан тоқ ўтган тақдиримдаям! Совуқ аримайди-ган, музхона юрти ўзига ва оқ айиқларига буюрсун! Шундай бўлгач, бу ишдан ёруғлик чиқадидеб умидвор бўлмаслигим керак. Ким билсин, балки у умуман бу томонларга келмас ҳам. Эркакларни жуда яхши биламан... Уф!..»

Райхон диванга чўкиб, бошини орқага ташлаганча кўзларини юмди.

«Эркакларни жуда яхши биламан», деганида ҳар доим унинг кўз олдида собиқ эри Равшан келади.

Равшан билан институтда ўқиб юрганида севишиб турмуш қўрган бўлса-да, тўйдан кейин етти йилгина яшай олишди. Шунда ҳам тишини тишига босиб, зўрга чидаб яшади. Чунки у вақтларда ота-онаси тирик эди. Ёлғиз қизларининг бахтдан тинмагани уларни адоий-тамом қилишига кўзи етган Райхон бошидан ўтаётган ташвишлар

ган кунлари пул топиб бер, деб жанжал қилишлари... Нима, мен эшакдай ишлаб, уни боқаман, деб эрга текканмидим? Мендан пул ундиролмаганидан кейин кўшнилардан қарз сўраб олиб, ярим кечаси маст бўлиб келиб, тўполон қилишлари... Э, кўрган куним курсин, ойи. Ўзимга қолса, аллақачон ажрашиб кетардим. Сизларни хафа қилмаслик учун ҳаммасига чидаб келдим. Бунинг уддасидан чиқдим ҳам. Энди... ҳеч кимни хафа қилиб қўйишдан қўрқмайман. Аммо энди тақдирим нима бўларкин? Анави антарктидаликни айтяпман-да, ойи... Келган тақдирдаям мен уни танимасам керак. Ахир суратини ҳам кўрмаганман...»

Райхон ўй суриб ўтириб, кўзи илинганини пайқаб қолди-ю, сапчиб ўрнидан турди.

Эртага янги йил бўлса... Балки анави антарктидалик чиндан ҳам келиб қолар!

Райхон шоша-пиша уйни йиғиштиришга тушди.

Дастурхон тузашни эртага қолдирди.

Ниҳоят, кеч кирди. Дид билан ясатилган стол атрофига ўтирган жувоннинг йиғлагиси келарди.

Ахир кун бўйи эшик пойлади... «Қанийди мениям опа-укаларим бўлганида, — армон билан ўйлади жувон. — Ёлғизлигим, бахтсизлигим умуман сезилмасди, уйим яқинларим билан тўлиб кетарди... Эҳ, бахтга эришиш шунчалар огирми?...»

Шу вақт эшик кўнгираги жинглиди.

Жувон сакраб ўрнидан турди. Турди-ю, шу заҳоти яна жойига ўтирди. Кейин яна...

У довдираб қолганди.

«Наҳотки у... Йўқ, менимча Қорбобо келган... Йўқ, мен Қорбобого буюртма бермаганман... менимча... Э худойим!..»

Райхон эшик олдида боргунча нималарни ўйламади, не қўйга тушмади.

«Глазок»дан қарашдек одатдаги эҳтиёткорлигини ҳам унутиб, эшикни шахд билан очди.


Остонада елкасига қопини орқалаганча Қорбобо турарди!

Қоровулбозордаги «Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш»

ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА

КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимиз
равнақига муносиб
ҳисса қўшаётган
ишчи-ходимлар ва
республикамизнинг
барча аҳолисини кириб
келаётган 2011 йил
билан самимий
муборакбод этади.



*Юртимизга тинчлик, фаровонлик, бунёдкор
халқимизга ҳушқайфият, оилавий тотувлик,
галдаги ишларида муваффақият ёр бўлишини
тилад қолади!*

Талимаржон иссиқлик электр станцияси унитар корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Кириб келаётган Янги йил билан
барча юртдошларимизни
самимий табриклайди.

Меҳнатсевар ва софдил халқимизнинг
ҳар бир куни байрамдек ўтсин.

2011 йил ҳаммага омад,
бахту-саодат келтирсин!

Осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз
фаровон, хонадонларимиз
чароғон бўлсин!



Йилнинг энг яхши материаллари

Амина ҚОДИРОВА, Боир ХОЛМИРЗАЕВ: «Ҳамиша эзгуликка шошиламан...» (1 январь, 1-сон).

Пардабой ТОЖИБОЕВ: «Ўзбегим дўппилари» (5 январь, 2-сон), «Суврати сийратига мос...ми?» (30 январь, 13-сон), «Динозаврни кўрганда...» (23 февраль, 24-сон).

Дилдора РАҲМОНОВА: «Кетаётган бахт» (7 январь, 3-сон), «Ердаги фаришталар» (6 март, 29-сон), «Буюк элга даҳрлар керак» (9 октябрь, 122-сон).

Оллоёр БЕГАЛИЕВ: «Олтин васвасаси» (7 январь, 3-сон), «Мўйлов ёғи нима?» (14 январь, 6-сон).

Улдона АБДУРАҲМОНОВА: «Бахт-саодат боғлари» (9 январь, 4-сон).

Умида ЭРГАШЕВА: «Кийим ва анъана» (9 январь, 4-сон).

Довуд МАДИЕВ: «Судни алдаб бўлмади» (9 январь, 4-сон), «Қонун қонун-да, домлажон!» (12 январь, 5-сон), «Кўнглим ул зулф ичрадир» (6 февраль, 16-17-сонлар).

Аликул ХОНИМҚУЛОВ: «Тушларида жилмаювчи боғ» (14 январь, 6-сон).

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ: «Бу одамни танийсиз!» (18 февраль, 18-сон), «Маънавий кўприқдан жаҳон майдонига» (13 март, 32-33-сонлар), «Отамдай улугларим» (28 сентябрь, 118-сон).

Тоҳир ИБРОҲИМОВ: «Кўзойнак тақиш жонга тегмадимми?» (14 январь, 6-сон), «Ҳайвонлар эрмак учун ўйналмади» (18 февраль, 18-сон), «Полиомия елитга қарши эмлаш» (3 июн, 66-сон).

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ: «Гаитининг беҳаловат кўллари» (19 январь, 8-сон), «Ўзбекистоннинг ишончли шериги» (6 февраль, 16-17-сонлар).

Адхам АРСЛОН: «Бир инсон бор...» (19 январь, 8-сон), «Арслон чорлаганда...» (25 февраль, 25-сон), «Мен робот эмасман» (21 октябрь, 126-сон).

Абдулла САИДОВ: «Устоз чавандоз» (19 январь, 8-сон), «Ҳаётга муҳаббат» (25 март, 38-сон).

Шерзод АБДУСАМАДОВ: «Маърифатнинг нури манзили» (26 январь, 11-сон), «Хайр мактаб, салом келажак!» (25 май, 62-сон).

Мансур АЛОВУДДИНОВ: «Малик отанинг муроди» (28 январь, 12-сон), «Эл одами бўлиш бахт» (15 апрель, 46-сон), «Эзгулик элининг посбони» (10 июн, 69-сон).

Комила БОЙМУРОДОВА: «Сифатли маҳсулот гарови» (2 февраль, 14-15-сонлар), «Тенгсиз неъмат» (1 апрель, 40-сон), «Эзгуликнинг мукофоти бор» (31 июл, 91-сон).

Саидахрор ҒУЛОМОВ: «Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги устувор мақсадимиздир» (6 февраль, 16-17-сонлар).

Улугбек МАНСУРОВ: «Францияда навоийшунослик» (9 февраль, 18-сон).

Абдунаби АБДИЕВ: «Ўтов гурунглари» (13 февраль, 19-сон), «Кўпқари гурунглари» (8 апрель, 43-сон), «Чаман ичинда бир гул» (10 июн, 69-сон).

Улугбек ИБОДИНОВ, Анвар ЮНУСОВ: «Қишлоқ фаровонлиги — тараққиёт кафолати» (16 февраль, 20-сон).

Муҳаббат ТўРАБОЕВА: «Топанларим ва йўқотганларим» (18 февраль, 18-сон), «Аъзолар олдидаги масъулият» (25 февраль, 25-сон), «Виолончелда янграган ушшоқ» (4 март, 28-сон).

Шамси ЭСОНБОВ: «Ерни боқсанг, эли боқди» (20 февраль, 22-23-сон).

Жаҳонгир ШАРОФБОВ: «Аризангни ёз!» (20 февраль, 22-23-сонлар), «Ўзгилгимиз, ор-номусимиз кўзгуси» (19 август, 99-сон), «Бу ўйин — ҳаёт эмас» (23 сентябрь, 117-сон), «Идрок ўғриси» (7 октябрь, 121-сон), «Маслаҳатли тўй тарқамас» (23 ноябрь, 138-сон).

Нарзулла МАҲАМОВ: «Азизанинг медаллари» (20 февраль, 22-23-сонлар), «Ғалабаларимиз солномаси» (21 декабрь, 150-сон).

Норкул БЕКМИРЗАЕВ: «Сурдо театри» (23 февраль, 24-сон).

Алижон ЗОҲИДИЙ: «Шахсий кутубхонамдаги ўйларим» (25 февраль, 25-сон).

Шарофат НОРҚУЛОВА: «Излаган имкон топади» (2 март, 27-сон), «Исрофгарчилик — иллатларнинг иллати» (16 декабрь, 148-сон).

Шавкат МУЗАФФАР: «Ушлаган орзу» (4 март, 28-сон).

Гулчехра ЖАМИЛОВА, Холида ОЧИЛОВА: «Ҳаёт гўзал, уни фақат севиш керак!» (4 март, 28-сон).

Жамила ЭРГАШЕВА: «Онадан кўрган тўн бичар» (11 март, 30-сон), «Девор» (27 май, 63-сон).

Муҳаббат ТўРАБОЕВА, Муассар РАҲИМОВА: «Аёлга шодланмоқ ярашгай» (11 март, 30-сон).

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ: «Булдурғун хосияти» (11 март, 30-сон), «Пийёдаги дори» (1 апрель, 40-сон), «Қонни тозаловчи жонзот» (8 апрель, 43-сон).

Мансур БЕКМУРОДОВ: «Рогун синдроми» (13 март, 31-сон).

Қутлимурот СОБИРОВ: «Иқтисодий тизимнинг қон томири» (13 март, 31-сон).

Муҳтарам УЛУҒОВА: «Қатим тортар қизгина» (13 март, 35-36-сонлар), «Қалбда эзгулик байроғи» (1 апрель, 40-сон).

Назира БОЙМУРОДОВА: «Садоқат куйини чалиб...» (25 март, 38-сон), «Кўл телефонини ўчириб қуйинг» (22 апрель, 49-сон), «Ҳижмат излаётган одам» (16 сентябрь 114-сон), «Талаба... Келин... Она» (25 ноябрь, 139-сон).

Тахририят 2010 йилда муаллиф ва мухлислардан 2000 дан ошиқ хат ва мақолалар олди. Уларнинг аксарияти газета саҳифаларида чоп этилди. Фуқароларнинг 112 та шикоят ва аризасидан 10 дан ошиғи бўйича ўз мухбирларимиз томонидан журналист текшируви ўтказилиб, айримлари юзасидан мақолалар эълон қилинди ва мурожаатларда таъкидланган камчиликлар бартараф этилишига кўмак берилди. 13 та шикоятда кўрсатилган масалалар бўйича ҳуқуқий-таҳлилий мақолалар чоп этилди. Шунингдек, 71 та мурожаат маҳаллий ҳокимият, тегишли ташкилот ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилиб, улар юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳақида жавоб хатлари олинмоқда. Ўнга яқин шикоятлар юзасидан эса уларнинг муаллифларига хат орқали тушунтириш берилди. 70 дан зиёд ҳуқуқий маслаҳат сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг саволларига газета саҳифаларида жавоблар эълон қилинди.



«Ishonch» ходимлари табиат қўйнида.

Байрам кайфияти билан

Кўмакдош

Матбуот инсоннинг ҳаётга қарашини тўғри шакллантиришда беқийс кучга эга. Нашрларда чоп этилган турли мавзулардаги мақолаларни ўқиб бориш кишида фикр уйғотиб, атрофда юз бераётган воқеаларни таҳлил қилишга кўмак беради.

Мен бу борадаги маънавий эҳтиёжимни асосан касабам уюшмаларининг газетаси бўлмиш «Ishonch» орқали қондираман. Касаба уюшмасида бевосита маънавий ишлар билан шуғулланганим учун ҳам нашр фаолиятимда кўмак беради. Газетанинг ҳар бир сонини қўлга оларканман, биридан қизиқарли мақолалар, касабам уюшмаси ҳаётига оид таҳлилий материалларга кўзим тушади. Уларни ўқиш жараёнида туғилган фикрлар баъзида кўлимга қалам олишга ундайди.

Касаба уюшмаси фаоллари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларни ўқиб, мен танийдиган тизим вакиллари орасида ҳам ибратга арзигулик ишларни амал-

га ошираётган инсонлар бор-ку, дея ўйлагандим. Бу йил газетада «Комилликнинг етти қирраси» сарлавҳали лавҳам босилиб чиққанда, «Инсофга наф келтириш - олий бахт» танловида голиблар қаторидан ўрин олиш ҳаёлимга келмаганди. Ушбу муваффақиятга эришимда тахририят жамоасининг ҳиссаси катта бўлди. Боиси, шу мавзуда ёзиш фикри газетада эълон қилинган мақолалар орқали туғилган. Қолаверса, унинг газета юзини кўришида ижодкорларнинг хизмати катта. Бунинг учун ижодий жамоа аъзоларига самимий миннатдорлик билдираман. Янги йилда сеvimли нашримизнинг мазмунан янада теранлашиши, мухлисларнинг юрагидан бундан-да чуқур жой эгаллашига тилақдошман.

Ҳожиназар БЕКЖОНОВ, Хоразм вилоят касабам уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданият ва спорт бўлими мутахассиси, «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танлови голиби



Бу аёл билан «Ishonch» газетасига ижодий ишларимни олиб келиб юганимда танишганман. Илк бор учрашган кунимок, жонқуярлиги, вазифасини сиздиқидан бажариши, тахририятга келган мақолаларни эътибор билан рўйхатдан ўтказибгина қолмай, муаллифларга: «Газетамизга тез-тез ёзиб туринг, бизда ҳар бир ижод намунасига алоҳида эътибор берилади», дея

хайрихоҳлик билдираётганидан кўнглимда меҳр туйғулари куртак ёза бошлагани. Мен учун ҳали нотаниш тахририятда айнан шу аёл ўтирдиган 37-хона қадрдон бўлиб қолганди. Чиндан ҳам, газетада мақолаларим кетма-кет чоп этила бошлагач, «Ishonch»га юрагимда ишонч пайдо бўла бошлади ва мақолаларимни айнан шу нашрга «илинадиган» бўлдим. Кўп ўтмай, ўзим ҳам ана шу ажойиб жамоанинг аъзосига айландим.

Аслида қаерда яхши инсонлар бўлса, ижодкор юраги ўша ерга талпинди. «Яхшига яқин юрсанг, етарсан муродга» деган халқ нақлининг нақадар ҳақлигини ҳам айнан мана шу даргоҳга келиб янада чуқурроқ англадим. Анча пайтгача унинг тўғма ногирон эканлигини, яъни чап қўлининг тирсагидан йўқлигини сезмагандим. Чунки ҳамиша тўрт мучаси соғдек юрар, бирон марта аҳволдан нолимаганди.

Йилнинг энг фаол муаллифлари

Муҳтарам УЛУҒОВА, журналист
Гулчехра ЖАМИЛОВА, журналист
Дилфуза АБДУЛЛАЕВА, Республика маънавият-тарғибот маркази ходими

Абдулла САИДОВ, меҳнат фахрийси

Анорбой НОРҚУЛОВ, журналист
Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси

Наргиза АСАДОВА, журналист
Шарофиддин ТўЛАГАНОВ, журналист

Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос

Абдунаби АБДИЕВ, халқ таълими ходими

Ўролбой ҚОБИЛ, ўқитувчи

Шарқия ЭШЖОНОВА, Хоразм вилоятидаги «Тўмарис издошлари» журналист аёллар клуби раиси, «Тўмарис авлоди» газетаси муҳаррири

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунос

Адхам ДАМИН, ёзувчи
Шохсанам НИЁЗОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Феруза БОБОЖОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Латифжон МАНСУРОВ, ижодкор
Озода САРАФРОЗ, ЎзМУ талабаси

Пардабой ТОЖИБОЕВ, журналист
Зухра РЎЗМЕТОВА, Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси методисти

Турсунбой БОЙМИРОВ, ижодкор
Асрор АЛЛАЁРОВ, журналист

Бекзод ЎКТАМ, ЎзМУ талабаси
Шавкат МУЗАФФАР, рассом

Ботир ТЕМИРОВ, «Қашқадарё» газетаси бўлим мудири

Жамила ЭРГАШЕВА, ёзувчи

Ҳалима ЖУМАНИЕЗОВА, Республика маънавият-тарғибот маркази ходими

Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос

Масъума АҲМЕДОВА, ёзувчи

Лола МАНСУРОВА, журналист

Нур МУҲАММАД, ёзувчи

Йилнинг

Комила Боймуродова «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси томонидан бу йил учинчи мартаба ўтказилган «Йил аёли» миллий танловининг Тошкент шаҳар босқичида «Йилнинг иродали аёли» номинациясида голиб бўлиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини, балки баъзи фазилатлари, жасорати ва иродаси билан бошқаларга ўрناк бўла олишини ҳам исботлади.

Кўпчиликни, инсоннинг тўлақонли бахтли бўлиши учун нималар керак бўлади, деган савол ўйлантирса ажабмас. Бугун Комила опанинг турмуш тарзини кузата туриб, инсоннинг бахтли яшаши учун кўп нарса керак эмаслигини англаб етаялман. Ўғли Ҳикматжонни ёлғиз ўзи тарбиялаётган, уйдан ишга, ишдан ўғлининг мактабига югураётган метин иродали бу аёлнинг бир зум тин олмаслигини кўриб, «Тавба, жони тошдан эмасмикин, бунча елиб-югурмаса, бу кетишда ўзини олди-

Йилнинг энг фаол касабачушмаси муаллимлари

Исмат ОЧИЛОВ,

Кашқадарё вилоят касабачушмаси ташкилотлари бирлашмаси ходими

Бахтиёр САИДОВ,

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабачушмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти вакилиги бўлим мудир

Улуғбек ПҮЛАТОВ,

Тошкент шаҳар касабачушмаси ташкилотлари бирлашмаси ходими

Шавкат СУЛТОНОВ,

Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабачушмаси кенгаши раиси

Зайниддин ҲРИНБОВ,

Тошкент вилоят ёқилғи-энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари касабачушмаси вакилиги

Озод ХУШНАЗАРОВ,

«Оҳангарон шифер» корхонаси касабачушмаси кўмитаси раиси

Қалам аҳли ижодий ютуққа эришишдан улкан бахтни тасаввур эта олмайди. Чунки сўзни қурол қилиб олиб одамлар қалби ва шуурини тафаккур шамчироғи билан ёритиш ижодкор учун умр мазмунига айланади. Шу маънода яқунланаётган йил «Ishonch»чилар учун омадли келди, десак янглишмаймиз. Буни йил давомида ижодий ишлари юксак эътироф этилган тахририят ходимлари муваффақиятида ҳам кўриш мумкин.

Ўил ютуқлари

Газетамизнинг шаклангўзал ва мазмунан бой кўриниш касб этишида алоҳида жонбозлик кўрсатиб келаётган масъул котибимиз Жаҳонгир Шарофбоевнинг ижодий фаоллиги бу йил ҳамма ҳавас қилди. Миллий маънавиятимизга таҳдид қилувчи омиллар, носоглом ҳаёт тарзига айланб бораётган иллатларнинг туб илдизини очиб берувчи қатор мақолалари мухлисларимиз томонидан яхши кутиб олинди. Бунинг натижаси ўлароқ, Ж.Шарофбоев яқиндагина Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Ёшларимизни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, тубан «оммавий маданият» ва бошқа иллатлар таъсирига тушиб қолишдан асраш ва бошқашу каби мавзуларни оммавий ахборот воситаларида

таъсирчан ёритишга қаратилган туркум мақолалари учун» Диплом билан тақдирланди.

Тахририятимизнинг истеъдодли фотомухбири ва ёш журналист Назира Боймуродова ҳам кўп йилдан буюн йўлаб келган ижодий режасини амалга оширди. Унинг Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетида ташкил этган фотокўргазмаси санъатга ошурфта қалбларда катта таассурот қолдирди. Иқтидорли фотожурналист ижодида мансуб фотосуратларда юртимиз табиати ва одамларимиз қиёфасидаги нур ўзига хос тарзда муҳрланганлигини кўргазмада қатнашган мутахассислар ҳам эътироф этишди.

— Бу кўргазмадан жой олган суратларни кўриб болалигим ёдимга тушди, — деди Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Моҳир Унлубей. — Назира

рахон олган ҳар бир суратда самимийлик бор. Бу эса ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ўзбекистонда Назирага ўхшаган истеъдодли ёшларнинг кўплиги мени қувонтиради.

Журналист жамиятда фаол касб эгаси ҳисобланади. Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими мухбири Комила Боймуродова ана шундай фазилатни ўзида мужассамлаштирган ҳамкасбларимиздан. У миллий қадриятлар, хунармандчилик мавзуларида қалам тебратиш билан биргаликда шу соҳа билан бевосита шуғулланади. К.Боймуродованинг «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси томонидан бу йил учинчи мартаба ўтказилган «Йил аёли» миллий танловининг Тошкент шаҳар босқичида «Йилнинг иродали аёли» номинациясида голиб топилшида ҳам ана шу хусусияти етакчи омил бўлди.

Жорий йилнинг июл ойида сирдарёлик мухлисларимиз билан бўлиб ўтган учрашув биз учун ҳам, муштарийлар учун ҳам фойдали бўлди. Энг муҳими, кўнгилда янги режалар туғилгани, ижодга рағбат кучайганидир...

Суратда: тахририятимизнинг фаол муаллифлари — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муғтарама Улугова сирдарёлик мухлислар даврасида.
Н. БОЙМУРОДОВА олган сурат



иродали аёли

риб кўймасмикин?», деган ҳаёлга ҳам борасан, киши. Бошқа томондан қараганда эса, унинг биз икки қўллаб адо этолмаган ишларни бажараётганлигига қойил қолмай иложингиз йўқ. У тўқиган кийимларни кўпчилик қувониб-қувониб кияди. Яна замонавий элита пардаларини айтинг! Ана шу онларда Комила опанинг «дардлар инсонни юксалтиради», деб тез-тез такрорлайдиган сўзлари ёдимга тушади.

Биз журналистлар одатда газетага чиқариш учун қахрамонлар қидирамиз-у, уларнинг ёнгинамизда яшаётганлигини кўпинча сезмаймиз. Бировга боқиманда бўлмаслик, ўзидан орттириб ўзгаларга яхшилик қилишни шиор қилиб олган Комила опа бугуннинг ҳар бир замонавий аёли чексиз имкониятлар эгаси, аммо бу имкониятларни юзага чиқариш учун тиришиб-тирмашиб фақат олға ҳаракат қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Аслида ҳам инсоннинг инсонлиги маънавий дунёси бойлиги ҳамда тафаккур доираси кенглиги билан ўлланади. «Йил аёли» Миллий танловининг шаҳар босқичида Комила опанинг иштирокини кузатар эканман, «Йилнинг иродали аёли» номинацияси голиби бўлганидан беҳад хурсанд бўлдим. Мазкур танловнинг асосий мақсади ҳам уй-рўзгор ишларини моҳирона бажариш билан бир қаторда фарзандларига, шунингдек, ўз шахси камолотига, билим олиши ҳамда маърифий даражасини оширишга вақт ажрата оладиган, интеллектуал салоҳиятли, доно аёлларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

— Етти ёшимдан бошлаб тўқиш билан шуғулланардим, жияклар, ҳар хил қадимий ва замонавий ёстиқ ва кашталар тикардим, — дейди Комила опа. — Қизиқарли ва масъулиятли касбда ишлаганим учун ишга шошиб келаман ва шошиб қайтаман. Ҳаммасига улгуришим керак.

Кўлимда хунарим борлиги менга катта ёрдам беради. Очиғи, бировнинг қўлига қарашни ёмон кўраман. Онам раҳматли: «Сен фақат ўтириб ишлайвермасдан, дугоналаринг билан ҳам ўйнаб кел, деса, онажон, менга ишим ёқади, улар билан ўйнасам, вақтимни йўқотаман», деб рози бўлмасдим. Худога шукр, болаликдаги меҳнатларим ҳозир мевасини бермоқда. Ҳар бир дақиқамиз қадрли. Агар ундан унумли фойдалансак, ютқазмаймиз. Йил ҳам охирлаб қолди. Яна бир ёшга улғаямиз. Утган умримдан мингдан-миг розиман. Бесамар яшамадим. Нимагадир эришяпман. Фарзандим кўз олдимда улғаймоқда. Ҳаёт эса мана шундай давом этаверади...

«Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил». Комила опанинг ҳаёти инсонни ҳам фикр қилишга, ҳам шукр қилишга ўргатади. Бўш қолган чоғларида эса гуллар парваришлайди. Тахририят хоналарига доимий кўклам нафасини бахш этишдан чарчамайди. Улар билан сирлашади. Шунинг учунми, қалби ҳам гулга ўхшаб қолган. Гулдек соф, гулдек нозик...

Назира ҲРИНБОЙ қизи

Йилнинг энг яхши материаллари

Рустам ДАВЛАТ: «Сурхондарё — ватаннинг ҳайрат водийси...» (25 март, 38-сон), «Бойсуғлиқ ўрмончилар шижоати» (10 апрел, 44-сон), «Уянинг зиёли тадбиркори» (11 май, 56-сон).

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ: «Кўнгилдан кўкара кўклам куртаги» (25 март, 38-сон).

Довуд МАДИЕВ, Тўлқин ШЕРНАЕВ: «Ҳақиқат қонунларда акс этади» (3 апрел, 41-сон), «Мурожаат қилишни биласизми?» (27 май, 63-сон).

Зулхумор ХОЛМАНОВА: «Тилимиз тақдир учун масъулмиз» (3 апрел, 41-сон).

Ботир ТЕМИРОВ: «Ғузур-Сурхон» юқори қучланишли электр узатиш линияси» (6 апрел, 42-сон).

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА: «Ота масъулияти» (8 апрел, 43-сон), «Ота» (13 май, 57-сон), «Тўйларингдан айланай, элим» (28 август, 105-106-сонлар).

Иззатулла ХОЖИЕВ: «Ўзига хос ибрат» (15 апрел, 46-сон), «Янги режа, янги орзулар» (27 ноябр, 140-сон).

Акмал ТОШЕВ: «Натижа ва таҳлил» (22 апрел, 49-сон), «Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари ёшлар нигоҳида» (5 август, 93-сон), «Ислохотлар моҳияти» (23 ноябр, 138-сон).

Адҳам ДАМИНОВ: «Касаба уюшмаларида эъзоз топиб» (6 май, 54-сон), «Кўнгил» (24 июн, 75-сон), «Мона Лиза» билан олишув» (16 сентябр, 114-сон).

Тўлқин ТўРАХОНОВ: «Одам ва мода» (16 май, 59-сон).

Тўлқин ШЕРНАЕВ: «Мозийни тирилтирган маскан» (16 май, 59-сон), «Ишонч ва ҳурматга муносиб» (19 август, 99-сон), «Муҳими — муаммонинг ечими» (9 сентябр, 112-сон).

Салим АБДУРАҲМОН: «Қадим оҳанглар сандиси» (22 май, 61-сон), «Қарз» (1 июл, 78-сон), «Йўл» (9 сентябр, 112-сон), «Тупорилар» (11 ноябр, 134-сон).

Озода САРАФРОЗ: «Мактуб нафосати» (3 июн, 66-сон).

Абдуманноп АЗИМОВ: «Бахмал гиламлари» (27 июн, 89-90-сонлар).

А.АБДУРАЗЗОҚОВ, Д.МАДИЕВ, У.ИБОДИНОВ: «Мазлум жароҳатига малҳам кўйиш - мардининг иши» (1 июл, 78-сон).

Зайниддин РИХСИЕВ, Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ: «Одамлар нима дейди — ҳамма гап шунда» (7 август, 94-сон).

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ: «Исрофдан сақланайлик» (10 август, 95-сон).

Зайниддин РИХСИЕВ: «Йўқлов» (10 август, 95-сон), «Хиёбон бўйлаб... ҳаёл оғушида» (18 сентябр, 115-сон).

Сайёра ШОДИЕВА: «Куз ўйлари» (9 сентябр, 112-сон).

Азизбек НОРОВ: «Атиргул фош этган жиноят» (12 август, 96-сон).

Наргиза АСАДОВА: «Официант бўлиш масъулияти» (12 август, 96-сон), «Йўловчининг фарқи борми?» (19 октябр, 125-сон).

Азиз ТўРАЕВ, Абдухалил МАВРУЛОВ: «Тинч ва осуда ҳаёт орзуси» (24 август, 101-102-сонлар).

Абдухалик АБДУРАЗЗОҚОВ: «Қатрада акс этган кўёш» (28 август, 105-106-сонлар), «Ўзбекистон пойтахти» (18 сентябр, 115-сон).

Ўролбой ҚОБИЛ: «Қамаши ифтихори» (7 сентябр, 111-сон), «Отам эккан тераклар» (7 октябр, 121-сон).

Исмат ОЧИЛОВ: «Ислохот инсон учун» (16 сентябр, 114-сон), «Баркамоллик сари» (7 октябр, 121-сон).

Гўзал МАЛИКОВА: «Дом»га келин тушди» (28 сентябр, 118-сон).

Наргиза ЖўРАБЕКОВА, Абдусаттор САМАДОВ: «Кўнглингиз нимани тусайди?» (21 октябр, 126-сон).

Абдулхай ЮНУСОВ: «Фавворага қойилман!!! Аммо...» (26 октябр, 128-сон).

Неъмат РАФИҚОВ: «Қалдирғочлар» (28 октябр, 129-сон).

Рустам ЖАББОРОВ: «Қушнинг икки қаноти» (28 октябр, 129-сон).

Бекзод УҚТАМ: «Залвор» (4 ноябр, 131-сон).

Амина ҚОДИРОВА: «Маҳаллага келин тушди» (6 ноябр, 132-сон).

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ, А.АБДУХОЛИҚОВ: «Амударё бўйларида» (18 ноябр, 137-сон).

Довуд МАДИЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА: «Қонунга итоаткор эл энгилмасдир». (2010 йил 27 ноябр, 140-сон).

Саида ЭШМҲИМОНОВА: «Бешик» (2 декабр, 142-сон).

Абдулла САИДОВ: «Ёвуз ва қасоскор» (2 декабр, 142-сон).

Жаҳонгир ШАРОФБЕКОВ, Узоқ БОЗОРОВ: «Хуқ ва эркинлигимиз қафолати» (8 декабр, 144-145-сонлар).

Шерзод АБДУСАМАДОВ, Насимхон РАҲМОНОВ: «Журналистлик — масъулият, истеъдод ва қобилият мужассамлашувидир» (11 декабр, 146-сон).

Акмал АБДИЕВ: «Юз ёшда ҳам курашмоқчи у» (14 декабр, 147-сон).

Нозимахон РАҲИМОВА: «Ёш файласуф орзулари» (21 декабр, 150-сон).

Рўзимурод АРЗИЕВ: «Зебо» (23 декабр, 151-152-сонлар).

Ҳасса

(Мардонхон эшон бобога)

Қартайиб, мўртлашган дарахтнинг шохи,
Салгина шамолда синаверади.
Кексайгач, одам ҳам йўлларда гоҳи
Тўқишиб, кўзлари тинаверади.
Шу кўйга тушгаймиз бир кун баримиз,
Донолар, қарисанг, қилма арз, деган.
Шул боис жаноби Пайғамбаримиз,
Олтмиш ёшдан кейин ҳасса фарз, деган.
Илло, кексайганда дўсту қадрдон,
Тоғ каби таянчга айланур ҳасса.

Кучуклар акиллаб даф қилган замон,
Жанговар хужумга шайланур ҳасса.
Қайдадир оёғинг кетса чалкашиб,
Фарзанди қобилдек дарров суяйди.
Ҳассани кўрганда ҳаддидан ошиб,
Туртиб ўтолмайди ҳар қандай дайди.
Бу ёруғ оламда топмоғинг душвор,
Шу тилсиз ҳассадек дўстнинг мардини.
Шоҳу гадолар ҳам бекордан-бекор,
Ҳассага айтмаган ахир, дардини.
Алқисса, садоқат мулкининг ойи,
Аҳли одамзотнинг тийнатиدير у.
Оқсоч қариликнинг кўрку чиройи,
Бахтли кексаликнинг зийнатиدير у.

Абдусайд КҮЧИМОВ

Бошимиздан зар сочарди тун

Оқиш палто, қоп-қора этик,
Оппоқ чехра, қоп-қора кўзлар...
Айтгин, қандай бахтиёр эдик,
Муסיқадай оқарди сўзлар.

Бошимиздан зар сочарди тун,
Пойимизда оппоқ пойандоз.
Гўё дунё олар эди тин,
Иккимизни танҳо кўйиб, соз.

Совуқ қотма дея авайлаб,
Ўраб кўйдим қора шарфимни.
Мени буткул сўзамол айлаб,
Тинглар эдинг юрак зарбимни.

Жим кетардинг. Мен эса ёниб,
Сўз сочардим — қолмасди ёдда.
Кошки дердим бутун дунёни
Кезиб чиқсам сен-ла пиёда.

Кўлларингда қоп-қора кўлқоп,
Оқ кўлингдан ўпай деб ечдим.
Бу дунёда мен учун шу тоб
Сендан бошқа йўқ эди ҳеч ким.

Эй йўллари тойинчоқ қорқиз,
Дунё — бозор: ол-ҳо, ур-йиқит.
Талотўпда қолма деб ёлғиз,
Бўлай девдим, ахир, қорйигит.

Ва лекин, сен — хушрўй, расида:
Гўзалларга яктолик удум.
Кўзларингнинг алангасида
Эриб кетди шамдай вужудим.

Тун торайди. Кетаман, дединг,
Сочларингни секин тузатиб.
Оҳ, жонимдан айрилган эдим,
Беруҳ қолдим сени кузатиб.

Кўрпасини тортди қора тун,
Оёқ чўзди узун шаҳарга.
Яхши дам ол. Бўлмагин маҳзун —
Етажакмиз оппоқ сахарга...

Нодир ЖОНУЗОК

Киш — кўнгилни айлади сархуш

Киш — кўнгилни айлайди сархуш,
Тасавурда бир сурат қолган.
Бу бир хаёл, мен топиб олган
Ва севгига айтилган олқиш.

...Қорли кеча... Хира нур сочар,
Симёғочнинг қалпоқ чироғи.
Сузиларкан кўзинг қароғи —
Кучдинг, кўнгил қор бўлиб учар.

Кўлларингни ўпдим. Совуқ — муз,
Лабларингда қор учқунлари.
Кишнинг сокин кечқурунлари
Борлиқ — севги. Сўз ёғмоқда, сўз!

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Таассурот

Туйғуни тортқилаб ёғади,
Борлиққа тўшалган тилсимот.
Мажнунваш ҳисларга боқади,
Васлини бахш этган паризод.

Уйғонди ажойиб хотира,
Бир шаффоф лаҳзалар парвона.
Мўъжиза яратар оҳиста
Ҳассасин тутганча афсона.

Топганим менинг

Соғинганим менинг,
топганим менинг,
Юракдан энтиқиб,
суйганим менинг,
Кўклардан тушишинг
ўзи бир дунё,
Дунёлардан устун
кўйганим менинг.

Қорпарча поклигим,
момиққинам-эй,
Менинг сирдош дўстим,
содиққинам-эй,
Кўнганингда агар
узун сочимга,
Севиниб кетаман,
попукқинам-эй,

Майли, кўксимга ёғ,
тўйиб кучайин,
Ва баён айлайин
муҳаббатимни.
Сўнг эса учиб бор,
ёрим ёнига,
Етказ, менинг ёзган
ишқий хатимни.

Дилфуза МАҲКАМОВА

Исинаман музнинг тафтидан

Биринчи қор, ёққанинг ростми,
Айт, тушмасми, сени кўрганим?
Ёдга тушди болалигимда,
Сени кўмсаб йиғлаганларим...

Севгилимдек соғинчга отма,
Севгим каби кечикдинг анча.
Бир илиқлик бахшида этар
Парчаларинг юрагимгача.

Усиз кечган кунларим каби
Уч фаслни сенсиз ўтказдим.

Бугун қара қаровсиз юрак,
Ҳар зарранга уни тутқаздим.

Хиёбонни кезяпман ёлғиз,
Вужудимни покликка тутиб.
Куч тилагин, менга уч фасл,
Яшаш учун келишинг кутиб.

Ранжиб совуқ нигоҳлардан гоҳ,
Исинаман музнинг тафтидан,
Кўйворгиси келмайди муз ҳам
Яхши кўриб қолган афтидан...

Шерзод АБДУСАМАДОВ

Кўнгил-чи аксига маҳлиё,
Ўзини кашф эта бошлайди.
Пўстинга ўраниб бу дунё
Яланғоч либосин ташлайди.

Манзара жонлар, беғубор
Чорлайди савлати хайратга.
Қаҳратон меҳрида ҳикмат бор,
Тўқнашдим ҳақиқат — сийратга.

Покланган илҳомнинг овози,
Ҳис қилдим руҳимда енгиллик.
Милёнлаб оппоқ қор парвози
Уйғотган таассурот — минг йиллик.

Акмал ТОШ

Қор соғинчи

Йўлимда жонини фидо айлаган,
Оппоқ вужудини адо айлаган,
Самодан ўзини жудо айлаган,
Қор, Сени юрагим соғинаётир.

Мен фалак ишига хайрона юрак,
Ишқсиз яшамокдан вайрона юрак,
Хазон мотамидан ғамхона юрак,
Қор, Сени юрагим соғинаётир.

Ёғилса самодан қорлар, дил халак,
Шу ҳам соғинишми, зорлар дил халак,
Сен каби бокира ёрлар, дил халак,
Қор, Сени юрагим соғинаётир.

Қор йўлим, қор гулим, айтаман Сенга,
Қор дилим, зор дилим айтаман Сенга,
Кетаман, ва лекин қайтаман Сенга,
Қор, Сени юрагим соғинаётир.

Қор гулим, қор дилим, қор йўлим...

Зебо НУРМОНОВА

Янги йил

Юртимизга омонлик,
Халқимизга шодонлик,
Дастурхонга тўкинлик,
Олиб келгин, Янги йил.

Гулласин ўзбек насри,
Урмасин ёмон касри.
Доимо тинчлик асри,
Бўлиб келгин, Янги йил.


Бекам яшасин элим,
Қайғу билмасин дилим.
Орзуларга лиммо-лим,
Тўлиб келгин Янги йил.

Келажак гулларига,
Саховат дурларига.
Куёшнинг нурларига,
Чўмиб келгин, Янги йил.

Қор ёмон иллатларни,
Турли хил кулфатларни,
Дардлару-заҳматларни,
Кўмиб келгин, Янги йил.

Сен бизга мадад бергин,
Бахт бергин, омад бергин.
Бир ширин ҳаёт бергин,
Кулиб келгин, Янги йил.

Назира БОЙМУРОВА



Ўзбекистон Таълим ва қан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

*Барча юртдошларимизни,
жумладан, йўли эзуликка
туташ таълим тизими
заҳматкашларини, фанимиз
фидойилари ва талаба-
ёлларни қириб келаётган
Янги йил билан самимий
муборакбод этади.*

Янги йил ҳар бирингизга сиҳат-
саломатлик, бахту саодат,
хонадонларингизга файзу
барака олиб келсин.

Қалбингизни ишонч, эзгулик ва
маърифат нури чароғон этсин.
Марказий кенгаш янги йилда
ҳам тармоқ ходимларининг
ижтимоий-иқтисодий ва
ҳуқуқий манфаатларини
ҳимоялаб, саломатлиги,
оиласи, фарзандлари ҳақида
ғамхўрлик кўрсатиш,
фидокорона меҳнатини
қадрлаш, уни муносиб
баҳолаш, қобилият ва
истеъдодини рўёбга чиқариш
учун бор қуч ва имкониятини
сафарбар этади.



Янги йилнингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!


**«Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашма» очик
акциядорлик жамияти бошқаруви ва бирлашган
тармоқ касеба уюшма қўмитаси**

**Соҳа ходимлари
ва бунёдкор халқимизни
кириб келаётган
Янги — 2011 йил
билан самимий
муборакбод этади.
Бугундан эртасини янада
фаровон қилаётган
жонажон юртимиз меҳнат
аҳлига ва уларнинг оила
аъзоларига сиҳат-
саломатлик, хуш кайфият,
хонадонларига
кут-барака тилайди.**



**Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё
саноати ва геология ходимлари касеба уюшмаси
Марказий кенгашининг Бухоро вилояти вакиллиги**

*Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини
мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган
соҳа ишчи-мутахассисларини,
республикамизнинг барча аҳолисини
Янги — 2011 йил билан қутлайди.
Бунёдкорлик сари интилаётган
юртдошларимизга соғлиқ-саломатлик, бахтли
ва фаровон ҳаёт, келгусидаги ишларида
зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.
Янги йил муборак бўлсин азизлар!*



«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоаси



Бунёдкор халқимизни
Янги — 2011 йил
билан самимий
муборақбод этади.

Янги йил
хонадонларимизга
қут-барака, юртимизга
тинчлик-қотиржамлик ва
фаровонлик олиб келсин.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши жамоаси

Жонажон юртимизда истиқомат қилаётган
ёшу кекса — барча-барчани яқинлашиб
келаётган 2011 йил билан табриклайди.

Янги йил ҳаммамиз
учун омадли, хосиятли
йил бўлсин.

Хонадонимизни
тўқинлик,
файзу барака
асло тарк этмасин.



Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Барча юртдошларимизни ва соҳа
ходимларини Янги 2011 йил билан
самимий муборакбод этади.

Янги йил оилангизга қут-барака,
кувончу бахт, сиҳат-саломатлик ва
тинчлик олиб келсин!



«Чимён санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Мамлакатимиз фуқароларини
ва барча касбдошларни Янги йил
билан қутлайди ва мазкур
сиҳатгоҳда дам олиб,
даволанишга чорлайди.*

Санаторий Фаргона шаҳридан 32 км. узоқликда, Қатран-Тау тоғ тизмаси ёнбағрида жойлашган балнеологик курортдир.

Даволаш омиллари — минераллашган олтингургурт-водородли маъданли сувларда ванна қилиш, чайиш ва душга тушиш, шунингдек, сульфат-гидрокарбонат-натрийли кучсиз минерал сувлар ичиш. Балиқли қўлининг шифобахш балчиғи эса аппликация ва галвано-балчик усулида берилади.

Даволаш учун кўрсатмалар: асаб тизими, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари ва гинекологик, урологик касалликлар.


Ётоқ бинолари бир ва икки ўринли шинам хоналардан иборат. Алоҳида бинода болалар ота-оналари билан даволанишлари мумкин.

Сиҳатгоҳда бугунги куннинг талабларига жавоб берадиган даволаш-ташхис хоналари, физиотерапия, даволаш жисмоний тарбияси, уқалаш, психотерапия, лазеротерапия, парафин-озекерит, фитотерапия ва парҳез овқатлаш соғлигингизни тиклаш мақсадларида қўлланилади.

Даволаш масканида ошхона, маданият саройи, кутубхона, рақс ва спорт майдончалари, алоқа бўлими, саргарошхона ишлаб турибди. Экскурсиялар уюштирилади.

Санаториймизга хуш келибсиз!

Манзилимиз: Фаргона вилояти Фаргона тумани
«Чимён» санаторийси.
Телефакс: 8(373)352-35-61



Карикатура деганда кўпчиликнинг хаёлига кулги уйғотишга асосланган санъат тури келади. Аслида ҳам шундаймикан? Карикатуранинг яратилишидан мақсад шунчаки кулги кўзгашмикан? Бугун шу ҳақда фикрлашишни лозим топдик.

Карикатуранинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишидан хабарингиз борми? Мазкур истилоҳ италянчадан олинган бўлиб, «бўрттириш», «ошириб кўрсатиш» маъноларини англатади. Айрим манбаларда келтирилишича, унинг элементлари Миср папируслари, Юнон ваза безак-

ра каби турлари фарқланади.

Рассомчиликда карикатура жанри реал ҳаётимизни ўзига хос тарзда ифода этиши билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Карикатурада акс этган фикрни тушуниш учун жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг кузатув-чиси бўлиш, уларнинг моҳия-

графит қаламни кўлга кири-тишга муваффақ бўлган Шавкат Музаффарнинг карикатура ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Бу кўргазмада тўртинчи маротаба қатнашишим, — дейди Шавкат ака. — Юртимиз шарафини жаҳон санъати намояндалари орасида ҳам ёйишга сазовор бўлганимдан бахтиёрман. Карикатурага нисбатан турли фикр ва қарашлар мавжуд. Баъзи рассомлар уни у қадар жиддий бўлмаган санъат тури дейишса, баъзилари учун бу жуда муҳим жанр ҳисобланади. Мен ҳам ижодкор сифатида шуни такидлашим керакки, карикатура шунчаки кулгили тасвир эмас, балки ҳақиқатда ҳам жуда жиддий жанрдир. У қанчалик юмористик руҳда бўлмасин, унинг ортида ўткир сатира, яъни «аччиқ» кулги ётади. Бу билан рассом оддий фуқаро ёки жамият аъзоси сифатида атрофида ва дунёда бўлаётган воқеаларга беварқ



катурачи рассомдан журналистларга хос тезкорлик талаб қилинади, бунда фақат айтилмоқчи бўлган фикр чизгилар орқали ифода этилади. Карикатуранинг рассомчиликнинг бошқа жанрларидан фарқи шундаки, унда кўтарилган мавзу ва фикрни очиб бера олиш

этиб турилади. Энг асосийси, «Олтин қалам» миллий танловида айнан бизнинг йўналиш учун махсус соврин ажратилади. Камина ҳам мазкур танловнинг иккинчи йилида ғолибликка эришдим.

— Сиз каби муваффақиятга эришадиган ижодкорларни ҳам тилга олиб ўтсак.


— Тўғриси, уларнинг кўпчилигидан фахрланаман. Дунёда эътироф этилган ижодкорлар билан бир тахрирда ишлаётганимдан гурурланаман. Бугун «Муштум» саҳифаларида Хусан Содиков,

Кўзгү

лари, Қадимги Рим фрескалари ва китоб миниатюраларида учрайди. Кейинроқ инсоният тарихида ном қозongan рассомларнинг аксарияти ҳам бу жанрда тор доирада ижод қилишган. Хусусан, Алишер Навоийнинг замондоши Камолиддин Беҳзод ҳам золим амалдорларга бағишланган карикатуралар яратганлигини Зайниддин Восифий «Бадойи-ул вақоъ» асарида келтиради. Лекин бу каби расмлар «карикатура» деб эмас, арабча «мухталифа» («ўзига ўхшамаган») деб юритилган. Аммо карикатура ҳозирга мавқени эгаллаб улгурмаганди. XX аср бошида кўпгина мамлакатларда сатирик-юмористик руҳдаги журналларнинг вужудга келиши карикатуранинг қулоч ёйиб ривожланишига туртки бўлди. Бизда бу санъатнинг ривожини асосан сатирик журналларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Бу борада, айниқса, «Муштум» журнали алоҳида аҳамият касб этади.

Карикатураларда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, глобал муаммолар, жамиятимиздаги турли иллатлар, шунингдек, экология мавзулари кенг ўрин олади. Юмор (funny cartoon), сатира, шарж, қора юмор, санъаткорона карикатура (fine art cartoon), фалсафий карикату-

Ортидаги



ти ҳақида тасаввурга эга бўлиш лозим.

Дунё миқёсида деярли ҳар йили халқаро миқёсдаги карикатура кўргазмалари ташкил этилади. Масалан, Туркияда бўлиб ўтадиган «Хужа Насриддин», «Айдин Доган Вақфи», Португалияда анъанавий тарзда ўтказиладиган «World Press Cartoon», яъни «Жаҳон

матбуот карикату-раси» кўргазмалари шулар жумласидандир. Бу каби нуфузли кўргазмаларда ўзбек карикатурачи рассомлари ҳам фаол қатнашиб, фахрли ўринларни кўлга киритаётганлиги қувонарли ҳолдир. Шундай ижодкор рассомларимиздан бири жорий йилда яна бир муваффақиятни кўлга киритди. Уни кўпчилик ижодий ишлари орқали яхши таниди. «World Press Cartoon»нинг бу йилги совриндори, айни шу танловда «Ishonch» газетаси номининг янграшига, энг муҳими, танловнинг махсус совғаси —

эмаслигини кўрсатади ҳамда ижтимоий-сиёсий муаммолар, турли иллатларни фош этиш учун ўз фикрини билдиради.

— Карикатурачи рассом сифатида шаклланишигизда қандай омиллар туртки бўлган?

— Ёшлигимдан «Муштум»ни кузатиб борардим, ундаги карикатурачиларнинг ишларига жуда қизиқардим. Телман Муҳаммедов, Абдубоқи Фуломов каби устозларнинг ижодини кузатиб, уларга ўхшашга ҳаракат қилардим. Санъатнинг бошқа турларидан фарқли равишда карикатурада услубингизни топиш, яратиш бироз қийин кечади. Чунки сизга ҳеч бир устоз кулгини қандай ҳис қилиш ва уни асарда қандай ифодалаш кераклигини ўргатиб беролмайди. Шунинг учун бўлса керак, айнан карикатурада бевосита устоз-шогирдликни учратмадим. Тўғри, қайсидир ижодкорга ҳавас қилиб, баъзида тақлид қилиб асар яратиш мумкин, аммо мустақил ижодкор сифатида ўз кулги қуролингизни топишингиз шарт.

— Мазкур жанрни матбуот билан чамбарчас боғлиқ дейишадими...

— Карикатура жанри тезкорлигига кўра журналистикага жуда яқин. Яъни, маълум бир воқеаликка баҳо беришда кари-

Ишора

жуда муҳим ҳисобланади, ранглар ёки тасвирлар иккинчи даражали бўлиб қолади. Шунингдек, карикатура асосан матбуот орқали жамоатчиликка тақдим қилиниши билан ҳам журналистика билан чамбарчас боғлиқ, деб ўйлайман. Баъзан саҳифа-саҳифа мақолалар орқали бериш мумкин бўлган маънони оддий карикатура орқали бериш ҳам мумкин...

— Ҳар бир санъат турининг ўзига хос «хом ашёси» бўлади. Карикатурада-чи?

— Карикатура санъатини, муаммоларни кўрсатиб бериш, иллатларни фош этиш қуроли дедик. Унда кулгу, ҳазил билан бирга кучли киноя ва танқид мавжуд. У томошабинни ҳам қулдиради, ҳам ўйлантиради. Шунинг учун ҳам бу санъат кишидан истеъдод, топқирликдан ташқари огоҳлик ва ҳозиржавобликни талаб этади. Бунда, айниқса, ҳаётнинг ҳеч ким эътибор бермаган томонларини илғай олиш орқали мавзу танлаш ва уни тасвирлаб бериш учун ўзига хос ғоя топиш муҳим аҳамиятга эга. Ижодда энг муҳими — ижодий тафаккур. Бунинг учун кўпроқ мутолаа қилиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам, ҳаётни синчковлик билан кузатиш асносида кўп-кўп ўқийман.

— Сиз ижод қилаётган жанр ижодкорларига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликлар ҳақида фикрлашсак...

— Ўзбекистон бадиий академияси ҳар йили карикатуричилар кўргазмасини ташкил қилади. Бу бизнинг ўзаро фикр алмашишимиз, ижодимизни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, турли маданият марказлари, элчихоналар билан ҳамкорликда карикатура танловлари, кўргазмалари ташкил

Маҳмуд Эшонқуловларнинг асарларини кўпчилик кузатиб боради. Улар яратган суратларнинг бири иккинчисини такрорламайди, уларда маънавий ҳаётнинг оддий муаммоларидан тортиб экология, гинёхандлик, терроризм каби глобал мавзуларгача катта маҳорат билан қаламга олинган. Шунинг учун ҳам улар нафақат юртимизда, балки бутун дунёда санъат аҳли эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Хусусан, Маҳмуд ака мамлакатимиз ва хорижда ўтказилган 350 дан ортиқ карикатура кўргазмалари иштирокчиси, тўқсонга яқин халқаро кўргазмалар ва танловларнинг совриндори. Унинг асарлари Япония, Болгария, Руминия, Сербия, Италия, Туркия, Корея, Бразилия ва Хитой каби мамлакатларнинг Юмор ва карикатура музейлари ва архивларидан, шунингдек, уч юздан зиёд хорижий албом ва китоблар, мингдан ортиқ интернет сайтларидан ўрин олган. У 2007 йилда Сербия ва Черногорияда ўтказилган «Олтин дубулга» танловида биринчи ўринни эгаллади. Шундан сўнг руминиялик мутахассислар ҳамюртимизни «дунёнинг юзта энг яхши карикатуричилари» рўйхатида киритишди. Бу каби муваффақиятлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин.

— Орзулар, тилаклар...

— Янги йил остонасида туриб, юртдошларимизга фақат яхшиликлар тилаймиз. Қулги, табассум ҳамisha ҳамроҳингиз, санъат энг яқин дўстингиз бўлсин. Янги йилда миллий матбуотимиз ва карикатуричилар ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамлансин.

Д.РАҲМОҶОВА



Президент арчаси

Айни кунларда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройи болажонларнинг шўх-шодон кийкириқларига тўлган. Қорбобо ва Қорқиз ҳамда турли эртақ қахрамонлари иштирокида бўлиб ўтаётган «Президент арчаси» тадбирлари жажжи қалб эгаларига олам-олам қувонч тўхфа этмоқда.

Бу ерга Меҳрибонлик уйлари ва болалар шахарчалари тарбияланувчилари, «SOS - болалар маҳалласи», 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ҳамда юрт озодлиги, тинчлигини асраш йўлида қурбон бўлган ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фарзандлари ташриф буюрган. Байрамда таниқли хонандалар ўзларининг куй ва қўшиқлари билан болажонлар қалбига хурсандчилик улашди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва «Sen yolg'iz emassan» Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси ҳамкорликда мазкур тадбирни кўтаринки руҳда ўтказишга муносиб ҳисса қўшди.

«Томоша» болалар шоу гуруҳи томонидан тайёрланган турли сахна кўринишлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

— Қорбобо ва Қорқизнинг рақслари менга жуда ёқди, — дейди 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Умид Эргашев. — Уларга қўшилиб, дўстларим билан бирга маза қилиб ўйнадик.

Ҳар бир мурғак қалбнинг юз-кўзида ана шундай хурсандчилик аск этиб турибди.

Тантананада қатнашган барча кичкинтойларга Президент совғалари топширилди.



Аффо АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Янги йил ҳазиллари



Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон РАЖАБОВга

Эсон ака, деган борки, эсон бўлди, Сиз туфайли қанча мушкул осон бўлди. Шунданмикин, Китоб қолиб, Қарши қолиб, «Ishonch»нинг ҳам борар жойи Косон бўлди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси Қаршибой ЭШНАЗАРОВга

Бутун умр лоқайдларга қарши бўлди, Шу туфайли Мирзачўлнинг арши бўлди. Кўчат экиб, боғ яратиш бошланганда, Яна ўзи ташаббускор жарчи бўлди.



«Чинобод» санаторийсининг 12-даволаш бўлими ҳамшираси («Ҳамшира — 2010» республика кўриктанлови ғолиби) Наргиза ФУЛОМОВАга

Одамларга ширин сўз, Ширинликдек ёқади. «Чинобод»нинг доврўгин, Фидойилар доимо, Юртга қилганда дoston. Элда эъзоз топади. Ҳамширалар тенгсизи Бўлдилар Наргизахон.



XVI Осиё ўйинлари кумуш ва бронза медаллари соҳибаси Гўзал ХУББИЕВАга

Ортидан чопди қанча, Чопагон етолмасдан. Тўрт қитъа чапак чалди, Ҳавасдан, ҳа, ҳавасдан.



«Ishonch» газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Рустам ДАВЛАТОВга

Танловда ғолиб бўлиб, Тарқалди аламлари. Энди йўлини пойлар, Қумқўрғон санамлари.

Барчага гул тарқатиб, Ҳазилни дўндиради. Янгам билмаса бўлди, Эшитса ўлдирди.



Рассом: Шавкат МУЗАФФАР

Байрам дастурхонига

Мандаринли пирог



Керакли масаллиқлар: 1,5 стакан шакар, 2 та тухум, 1 стакан қатик, 3 стакан ун, 5 ош қошиқ сариеғ, 6 та мандарин, сиркада ўлдирилган истеъмол содаси.

Тайёрлаш усули: 3 ош қошиқ сариеғ шакар ва тухум билан яхшилаб аралаштирилади. Сўнг ун, қатик, гўштқиймалагичдан ўтказилган мандарин, сода қўшиб хамир қилинади. 2 ош қошиқ сариеғ суртилган пирог қолипига солиб, ўрта оловда духовкада пишириб олинади. Пирог усти қанд упаси билан безатилиб, дастурхонга тортилади.


Олчали торт

Керакли масаллиқлар: 700 грамм олча, 150 грамм сариеғ, 1,5 стакан шакар, 5 та тухум, 1 стакан ун, 2 ош қошиқ майдаланган шоколад, бодом.

Тайёрлаш усули: тухумни сариғидан ажратинг, 1 стакан шакарни эритилган сариеғ билан аралаштириб, унга тухум сариғини қўшинг. Шу аралашмага бошқа идишда кўпиртилган тухум оқини ҳам қўшиб, яхшилаб аралаштиринг. Сўнг масаллиқлар устидан ун сепиб, хамир қоринг. Ёлланган қолипга хамирни солинг. Устига данаклари олинган олча қўйиб, ўрта оловда газ печида пишириб олинг. Торт юзига қирғичдан ўтказилган шоколад сепиб чиқинг.



Курка димламаси



Керакли масаллиқлар: 800 грамм курка гўшти, 7 та картошка, 2 дона пиёз, 1 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 3 ош қошиқ томат соуси, 2-3 та помидор, 2 та бақлажон, 1 та чучук гармдори, 2 та тухум, кўкат, туз, мурч.

Тайёрлаш усули: гўшт яхшилаб ювиб бўлақларга бўлинади. Сўнг пиёз, картошка артилиб паррак-паррак қилиб тўғралади. Товага ёғ солиб, гўшт, картошка, пиёз, гармдорини териб, устидан таъбга кўра туз ва мурч сепинг. Тухумни чақиб, тўғралган помидор ва томат соуси билан аралаштиринг. Бу массани товадаги масаллиққа қуйинг ва қизиқ турган духовкага қўйиб ўрта оловда пиширинг. Дастурхонга тортишдан олдин кўкатлар билан безатинг.

Дилором МУСАЕВА, тайёрлади



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир: Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Алла Долженкова,

Анвар Юнусов,

Довуд Мадиев

(Бош муҳаррир ўринбосари),

Жаҳонгир Шарофбоев

(масъул котиб),

Маъмура Адилова,

Нормамат Аллаёров,

Носирхон Акбаров,

Ойсулув Нафасова,

Пиримкул Қодиров,

Соғиндиқ Ниетуллаев,

Шамси Эсонбоев

Бизга кўнгирик қилинг:

Котибият: 256-52-78

Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;

Бухоро + 99893 653 50 81;

Жиззах + 99872 360 00 10;

Навоий + 99893 725 46 40;

Самарқанд + 99866 933 25 04;

Сурхондарё + 99897 458 05 07;

Фарғона + 99891 679 32 79;

Қашқадарё + 99897 414 30 78

Қорақалпоғистон Республикаси

ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 0116-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, лайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар «h» белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

А.Абдуллаев

Мусахҳиҳ:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-

дизайнер:

Х.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти -21.00

Топширилди - 21.45

Буюртма Г- 1151

Тиражи: 11200

ISSN 2010-5002

2 3 4 5